

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги**

**Ўзбекистон Тарихчилар жамияти**

**Ўзбекистон мустақиллигининг  
20 йиллигига бағишланади**

**ДУНЁ  
СИЁСАТ  
ЖАМИЯТ**

**(Қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашр)**

**Гулистон - 2012**

Ушбу қўлланма-маълумотнома ёшларнинг оммабоп ва мухтасар билимларига эга бўлишига хизмат қилади.

Қўлланма ўқитувчилар, талабалар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, абитуриентлар, турли касб эгалари ва барча илмга қизиқувчиларга мўлжалланган.

Қўлланмани тузишда маслаҳатларини берган барча шахсларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

**Тузувчи: Ориф Аюпов,**  
тарих фанлари номзоди, доцент.

**Масъул муҳаррир: А.Эминов,**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар: М.Исҳоқов,**  
тарих фанлари доктори, профессор.  
**О.Икромов,** тарих фанлари номзоди.

Қўлланма 2011 йил 30 июндаги Гулистон давлат университети Илмий кенгашининг қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-384-10-4

ББК 65.7 А-95

УДК 94(575.1) (07)

323(5751) (07)

916(5751) (07)

32361

© Ориф Аюпов,  
© “Зиё” нашриёти, 2012

# I

*Ижтимоий-сиёсий,  
иқтисодий ва  
маънавий қисм*

## **Ўзбекистон Республикаси**

Республика ҳудуди - 448,9 минг кв. километр

Аҳолиси — 30 млн. кишига яқин

Пойтахти — Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси таркибида:

**Қорақалпоғистон Республикаси**

Вилоятлар — 12

Шаҳарлар — 120

Шаҳарчалар — 117

Қишлоқ туманлари — 159

Қишлоқлар (овуллар) — 1459 мавжуд:

**Тошкентдан Қорақалпоғистон Республикаси ва  
вилоятлар марказларигача бўлган масофа (км)**

Нукус	1255	Андижон	447
Урганч	1119	Наманган	432
Термиз	708	Фарғона	419
Бухоро	600	Самарқанд	300
Қарши	558	Жиззах	203
Навоий	509	Гулистон	118

## Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси

Мустақил Ўзбекистоннинг мадҳияси 1992 йилнинг 10 декабрида Олий Кенгашнинг XI сессиясида қабул қилинган.

Сўзларини шоир Абдулла Орипов, мусиқасини бастакор Мутаваккил Бурҳонов ёзган.

Серқуёш хур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

## Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи

Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгашнинг VII сессиясида тасдиқланган.

Байроқдаги *мовий* ранг-тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу - яхшилиқни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Байроқдаги *оқ* ранг-муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чарогонлиги ва коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва ҳаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.

*Яшил* ранг-табиатнинг янгилавиш рамзи. *Қизил* чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаятган ҳаётий қудрат ирмоқларидир.

Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири қадимги қуёш йилномамизга бевосита алоқадор.

Байроқнинг юқори қисмида ярим ой ва 12 юлдуз тасвири туширилган. Байроқнинг узунлиги 250 см, кенлиги 125 см. га тенг.

## **Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби**

**Давлат герби 1992 йил 2 июлда Олий Кенгашнинг  
X сессиясида тасдиқланган.**

Гербда давлатнинг миллий-сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва бошқа белгилари ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради.

Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида 8 бурчакли юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвири бор.

Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи-қанотларини ёзган Хумо қуши кўринади.

Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган.

Герб муаллифи rassom Анвар Мамажонов.

## **Президентлик лавозими**

Республика бошқарувидаги мамлакатларда давлат бошлиғи-Президентлик лавозими биринчи марта давлат бошлиғи сифатида 1787 йилда АҚШда жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшга тўлган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган, давлат тилини яхши биладиган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Ўзбекистонда Президентлик лавозими собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг I сессиясида таъсис этилди.

1991 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон тарихида биринчи бор муқобиллик асосида Республика Президентлигига умумхалқ сайлови бўлиб ўтди. Бу лавозимга энг кўп овоз билан Ислон Абдуганиевич Каримов сайланди. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.



## **Каримов Ислом Абдугашиевич**

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти - таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони, Миллий Хавфсизлик Кенгашининг раиси.

И.А.Каримов 1938 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Ўрта Осиё политехника ва Тошкент Халқ хўжалиги институтларини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда “Ташсельмаш” заводида бошлаган.

У 1966 йилдан бошлаб 17 йил мобайнида Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитаси фан ва янги техникани жорий этиш бўлимининг бош мутахассислигидан мазкур қўмита раисининг биринчи ўринбосарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда Ўзбекистон Республикаси молия вазири этиб тайинланди.

1986 йилдан Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари - Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитасининг раиси. Шу йилнинг декабрида Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиблигига сайланди.

1990 йилнинг мартада Республика Олий Кенгаши уни Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайлади.

2007 йил 23 декабр умумхалқ сайловлар натижасига кўра ( 88,1%) И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нашр қилинган тўпламлари

1. "Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафжура" (1996)
2. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" (1996)
3. "Ваган саждагоҳ каби муқаддасдир" (1996)
4. "Бул ёлдорлик йўлидан" (1996)
5. "Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби" (1997)
6. "Хайрлилик ва барқарор тараққиёт йўлида" (1998)
7. "Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурагимиз" (1999)
8. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пиронард мақсадимиз" (2000)
9. "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулумиз" (2001)
10. "Хайрлилик ва тинчлик учун курашмиш; ксрак" (2002)
11. "Биз танлаган йўл-демократик, тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли" (2003)
12. "Тинчлик ва хайрлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ" (2004)
13. "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" (2005)
14. "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қисриб" (2006)
15. "Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир" (2007)
16. "Мамлакатимиз модернизация қилиш ва иқтисодийетимизни барқарор ривожлантириш йўлида" (2008)
17. "Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз" (2009)
18. "Жаҳон инқирозининг оқибатларини снгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққиёт тонган дашлатлар даражасига кўтарилиш сари" (2010)

*И.Каримовнинг энг муҳим асарлари инглиз,француз, испан, немис, ҳинд, хитой, араб каби ўнлаб тилларга таржима қилиниб, чет элларда бир неча бор нашр қилинган.*

## **Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси**

XX аср бошларида Марказий Осиё халқлари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди.

1924 йили Туркистон АССРнинг Амударё вилояти ва Хива хонлигининг Хўжайли ҳамда Қўнғирот туманлари ҳудудида Қозоғистон АССР таркибида, Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилди. У 1932 йили Қорақалпоғистон автоном Республикасига айлантирилди.

Қорақалпоқлар тарихида 1936 йил муҳим сиёсий воқеалар йили сифатида абадий қолади. Шу йили улар ўз тақдирларини Ўзбекистон таркибига кириш билан белгилади ва ўз танлаган йўлининг истиқболли эканлигини кўра олди.

1990 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ўзининг IV сессиясида “Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат суверенитетини тўғрисида”ги Декларация қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ўзининг XII сессиясида (1993 йил, 9 апрел) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳеч қандай монезьлпк қилмайди, аксинча, уни бош ҳуқуқий асос сифатида биледи ва Қорақалпоғистон ҳудудида тўла

амал қилишини таъминлайди.

Қорақалпоғистон суверен автоном Республика сифатида барча атрибутларига эга. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида (1992 йил, 14 декабр) Қорақалпоғистон Давлат байроғи, XII сессиясида (1993 йил, 9 апрел) Давлат герби, XIV сессиясида (1993 йил, 4 декабр) Давлат мадҳияси тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг парламенти Қорақалпоғистон республикаси Жўқорги Кенгеси деб аталади.

Қорақалпоғистон Республикаси ижроия органи Министрлар Кенгаши ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Қорақалпоқ тили унинг давлат тили деб эълон қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳамдир.

Республика ҳудуди 164,9 минг кв.км., аҳолиси 1623,1 минг киши (қорақалпоқлар 32,1 %, ўзбеклар 32,3 %, қозоқлар 26,3 %. Қолган 9,3 фоизи – туркманлар, корейслар, татарлар, руслар, украинлар ва бошқалар).

Қорақалпоғистон Республикасида 15 та туман, 12 та шаҳар, 16 та шаҳарча ва 112 та овул бор. Пойтахти – Нукус (191 минг аҳоли). Нукусда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, Давлат университети, Педагогика институти, бир қанча Тошкент олий ўқув юрларининг филиаллари мавжуд.

## Конституция нима ?

Конституция-давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция давлат тузилишини, унинг бошқарув шаклини, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини, шахснинг ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларини белгилаб қўяди.

Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Олий Кенгаш томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Республикамиз Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда, бу “Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолатидир”.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунга мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган. 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонунга асосан Конституциянинг 89 - моддасига, 93 - моддасининг 15 - бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. 2008 йил 25 декабрдаги Қонунга кўра Конституциянинг 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган. 2011 йил 18 апрелдаги Қонун билан Конституциянинг 78, 80, 93, 96 - ва 98 - моддаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

2011 йил декабр ойида Конституциянинг 90-моддасига ҳам ўзгариш киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддалан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Республика Олий Мажлисининг иккала палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

## **Давлат бошқаруви тизими**

Бу тизим ижро ҳокимиятини амалга оширувчи идоралар тизими, яъни ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг амалга оширувчи органлар тизимидан иборат. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти-давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи сифатида;

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари;

Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари;

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат бошқаруви идоралари ва унинг жойлардаги маҳаллий органлари;

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, ҳокимиятлар ҳамда уларнинг бўлим ва бошқармалари.

Давлат бошқаруви тизимининг тармоқлари ва йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва ҳар бир соҳага тегишли қонун, кўрсатма ва шу каби бошқа ҳужжатларга таяниб иш олиб боради.

## Олий Мажлис

Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг амалга оширадиган.

Олий Мажлис икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколат муддати – беш йил. Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округларидан қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик нафар депутатдан иборат.

Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик палатасини бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлар депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида маъмур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Ўн олти нафар аъзоси эса фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида қизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқароси Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

## **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қўйи палата) мутлоқ ваколатларига қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталар раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш.

3. Ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.



## Олий Мажлис Сенати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

1. Сенат раиси ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2. Республика Президентининг тақдимига биноан Конституциявий судини, Олий судини, Олий ҳужалик судини сайлаш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

3. Республика Президентининг Республика Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

4. Республика Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни ҳамда Республика Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уларни лавозимларидан озод этиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

6. Республика Бош прокурорининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

7. Бош прокурорнинг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш ва б.

## Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятнинг амалга оширади. Вазирлар маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат Қорақалпоғистон ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари фақат Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан белгиланади, у янги сайланган парламент олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Ўзбекистон Республикасида 14 вазирлик (Молия, Иқтисодиёт, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Қишлоқ ва сув хўжалиғи, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар) ва 9 Давлат қўмиталари, ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолият кўрсатмоқда.

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лавозимлар таркиби**

1. Бош вазир, агросаноат комплекси раҳбари.
2. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, молия вазيري, макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартiriшлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари мажмуаси раҳбари.
3. Бош вазир ўринбосари-Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалаларни мажмуаси раҳбари.
4. Бош вазир ўринбосари -Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефт-кимё ва металлургия саноати масалалари мажмуаси раҳбари.
5. Бош вазир ўринбосари - “Ўзавтосаноат” АК бошқаруви раиси, машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси раҳбари.
6. Бош вазир ўринбосари-Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалаларни мажмуаси раҳбари.
7. Бош вазир ўринбосари-Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси.

9. Моллия вазири.
10. Иқтисодиёт вазири.
11. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири.
12. Маданият ва спорт ишлари вазири.
13. Ички ишлар вазири.
14. Ташқи ишлар вазири.
15. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири.
16. Мудофаа вазири.
17. Олий ва ўрта махсус таълим вазири.
18. Халқ таълими вазири.
19. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири.
20. Адлия вазири.
21. Соғлиқни сақлаш вазири.
22. Фавқулодда вазиятлар вазири.
23. Давлат мулкни бошқариш қўмитаси раиси.
24. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси.
25. Давлат статистика қўмитаси раиси.
26. Давлат божхона қўмитаси раиси.
27. Давлат солиқ қўмитаси раиси.
28. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси.
29. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси.
30. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси раиси.
31. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси.
32. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси.
33. Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбари.

## **Босқичма-босқич ўтиш деганда нимани тушунаси?**

Жамият тараққиётининг, яъни унинг бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишнинг асосий тур ва шаклларида бири.

Иқтисодий ислоҳотлар икки асосий босқичга бўлинади. Ўзбекистонда ўтиш даврининг *биринчи босқичида* ислоҳотлар стратегияси ва уни амалга ошириш йўллари белгиловчи ўз моделimiz яратилди. Бунда марказлашган, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш, сифат жиҳатдан янгича ҳужалик юритиш механизмини яратиш вазифаси амалга оширилмоқда.

*Иккинчи босқичда* бозор тизимлари шаклланиб, солиқ, молия, пул-кредит сиёсати янада такомиллашади, макроиқтисодиётда барқарорлик таъминланади.

Босқичма-босқич ўтиш сиёсатида мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг ва биринчи навбатда, Президент И.А.Каримовнинг ривожланишнинг ўта масъулиятли палласида ягона тўғри йўлни танлай ола билиши намоён бўлди. Бундай сиёсат туфайли Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қурбонларсиз, митингбозсизлик, иш ташлашларсиз ва даҳанаки жангларсиз ўтмоқда, жамият моддий ва маънавий бойликларининг вайрон ва яксон бўлишига йўл қўймапти, келажакнинг негизини яратмоқда.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
шахсий таркиби  
(январ, 2012 ҳолатига)**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири –  
**МИРЗИЁЕВ Шавкат Миромонович**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири  
ўринбосарлари:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг  
биринчи ўринбосари - Молия вазири,  
Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги  
таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс  
ривожлантириш масалалари мажмуаси раҳбари -  
**АЗИМОВ Рустам Содиқович**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг  
ўринбосари - Коммунал соҳа, транспорт, капитал  
қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари  
мажмуаси раҳбар - **ЗОКИРОВ Ботир Эркинович**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг  
ўринбосари - Геология, қўрилми-энергетика  
комплекси, кимё, нефт-кимё ва металлургия саноати  
масалалари мажмуаси раҳбари - **ИБРАГИМОВ  
Ғулумжон Иномович**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг  
ўринбосари - “Ўзавтосаноат” АК бошқарув раиси,  
Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини  
ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш  
масалалари мажмуаси раҳбари - **РОЗУҚУЛОВ Улугбек  
Убайдуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг  
ўринбосари - Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий

муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуаси раҳбари - **ОРИПОВ Абдулла Нигматович**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси - **БОСИТХОНОВА Эльмира Эркиновна**

## **Вазирлар**

Молия вазири - **АЗИМОВ Рустам Содиқович**

Иқтисодиёт вазири - **САИДОВА Галина Каримовна**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири - **ҲАЙТОВ Ақтам Аҳматович**

Маданият ва спорт ишлари вазири - **ҚЎЗИЕВ**

Турсунали Каримович

Ички ишлар вазири - **МАТЛЮБОВ Баҳодир Аҳмедович**

Ташқи ишлар вазири - **КОМИЛОВ Абдулазиз Хафизович**

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири - **ҒАНИЕВ Элёр Мажидович**

Мудофаа вазири - **БЕРДИЕВ Қобул Раимович**

Олий ва ўрта махсус таълим вазири - **ХОДИЕВ**

Баҳодир Юнусович

Халқ таълими вазири — **ШИРИНОВ Темір**

Ширинович

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири - **РЎЗИЕВ Зафар**

Шаропович

Адлия вазири - **ЙЎЛДОШЕВ Нсъматилла Тўлқинович**

Соғлиқни сақлаш вазири - ИКРАМОВ Адҳам

Илҳомович

Фавқулодда вазиятлар вазири - ХУДАЙБЕРГАНОВ

Турсинхон Айдарович

## **Давлат қўмиталари раислари**

Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси раиси  
- (в.б.) АБДУҲАКИМОВ Азиз Абдуқаҳҳорович

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси  
раиси - (в.б.) ТУРАМУРАТОВ Илҳомбой Бекчанович

Давлат статистика қўмитаси раиси - ТЎРАЕВ Ботир  
Эшбаевич

Давлат божхона қўмитаси раиси - ДУСАНОВ Зоҳид  
Абдуқаюмович

Давлат солиқ қўмитаси раиси - ПАРПИЕВ Ботир  
Раҳматович

Монополиядан чиқариш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитаси раиси - (в.б.)  
ТУРДИЕВ Умар Тилавович

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси -  
ЗОКИРОВ Ботир Эркинович.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат  
кадастри бўйича давлат қўмитаси раиси - АРАБОВ  
Саидкул Амирович.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг  
раиси - УМАРОВ Нариман Маджидович



**Президент Ислом Каримовнинг  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма  
мажлисида” Мамлакатимизда демократик  
ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва  
фуқаролик жамиятини ривожлантириш  
концепцияси” мавзусида қилган маърузасида  
белгилаб берилган устувор вазифалар  
( 12 ноябр, 2010 йил )**

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
2. Суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.
3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.
5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.
6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодийтни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

## **Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойиллари**

**Биринчидан**, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат орқисида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш керак.

**Иккинчидан**, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқариш ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

**Учинчидан**, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиш лозим.

**Тўртинчидан**, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Бешинчидан**, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, яқин ўтмишимиздаги “инқилобий сакраш”ларсиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

**Президент Ислом Каримовнинг  
“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:  
хавфсизликка таҳдид, барқарорлик  
шартлари ва тараққиёт кафолатлари”  
китобида келтирилган хавфсизлигимизга  
таҳдид бўлиб турган асосий муаммолар**

1. Минтақавий можаролар.
2. Диний экстремизм ва фундаментализм.
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик.
4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.
5. Коррупция ва жиноятчилик.
6. Маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик муносабатлари.
7. Экологик муаммолар.

## **Президентимиз томонидан йилларнинг номланиши**

- 1997 – Инсон манфаатлари йили.
- 1998 – Оила йили.
- 1999 – Аёллар йили.
- 2000 – Соғлом авлод йили.
- 2001 – Оналар ва болалар йили.
- 2002 – Қарияларни қадрлаш йили.
- 2003 – Обод маҳалла йили.
- 2004 – Меҳр ва мурувват йили.
- 2005 – Сиҳат ва саломатлик йили.
- 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили.
- 2007 – Ижтимоий ҳимоя йили.
- 2008 – Ёшлар йили.
- 2009 – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
- 2010 – Баркамол авлод йили.
- 2011 – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили
- 2012 – Мустақкам оила йили

## **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик саммити**

2000 йил 6-8 сентябрда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Мингйиллик саммити ўтказилди. Форумда юздан ортиқ давлат ва ҳукумат бошлиқлари қатнашдилар. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан мингйилликка бағишланган маъруза ўқиди ва 2000-2015 йилларга мўлжалланган Декларация қабул қилинди. Декларация қуйидаги муҳим йўналишларни белгилаб берди:

1. Қашшоқлик ва очликни йўқотиш;
2. Умумий бошланғич таълимни таъмин этиш;
3. Жинсларнинг тенг ҳуқуқийлиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш;
4. Болалар ўлимини камайтириш;
5. Оналар саломатлигини ҳимоя қилишни яхшилаш;
6. Юқумли касалликларга қарши курашиш;
7. Экологик барқарорликни таъминлаш;
8. Тараққиёт мақсадида умумжаҳон шериклик алоқаларини шакллантириш;

2010 йил сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида Президент И.Каримов мингйиллик декларацияда белгиланган мақсадларга эришиш йўлида Республикамизда амалга оширилган ишларни таъкидлаб ўтди:

1. ЯИМ-3,5 аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсди.

2. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баробардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

3. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ 83,5 фоизга етди.

4. Оналар ўлими даражаси 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими даражаси 3 баробардан кўпроқга камайди.

5. Одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умри 75 ёшгача ошди.

6. Иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин - қизлар ташкил этади.

## **Мустақиллик бизга нима берди ?**

-Давлат мустақиллигига эришиш ва уни мустаҳкамлаш имкониятини;

-Демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг шаклланиш шароитини;

-Ўз тараққиёт йўлини аниқлаб олиш, бозор ислоҳотларини муваффақиятли утказиб бориш имкониятларини;

-Кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиш шароитини;

-Жамиятнинг маънавий янгиланишига шароитни;

-Мамлакатнинг халқаро миқёсда обрў-эътиборининг ошишига, жаҳон хўжалик алоқаларининг ривожланишига имкониятни;

-Сиёсий барқарорлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш имкониятини;

-Ўзлигимизни, ўзимизнинг асл тарихимизни, динимизни, тилимизни, байрамларимизни, урф-одатларимизни қайтариб берди.

## **Мафкура деганда нимани тушунамиз?**

(Арабча “Мафкура” – нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими) – жамиятдаги муайян сўёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва гоёлар мажмуи.

Мафкура ижтимоий борлиқнинг, яъни кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий-сўёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилши ва бу тизимнинг амалий фаолиятда назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислои Каримов 6 апрел 2000 йилда олимлар, зиёлилар, ижодкорлар олдига мустақиллик мафкураси концепциясини яратиш вазифасини қўйди.

## **Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар**

Инсоният тарихи – ғоялар тарихидир.

Ғоя – инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно – мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир. Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг этиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу – интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Мафкуралар маъно – моҳиятига кўра фалсафий, дунёвий, диний таълимотлар асосида яратилади. Турли ижтимоий – сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга диний оқимлар, фалсафий мактаблар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади. Жамият тараққиётида турли мақсад ва муддаолар хилма-хил мафкуравий воситалар билан амалга оширилади. Инсонлар, халқлар ва жамиятлар ҳаётида танланган ғоявий йўналиш, миллий мафкура муҳим аҳамият касб этади. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

Ҳар қандай мафкура қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутади :

- муайян ғояга ишонтириш;
- уюштириш;
- сафарбар этиш;
- маънавий-руҳий рағбатлантириш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастурининг бўлиши.

Мафкура ўз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина амалий самара бериши мумкин.



Тарихий қонуният шундан далолат берадики, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари, гоёвий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал қилиш зарурати юзага келади.

Ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

- *ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида муҳулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;*

- *ёш, мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш нияти;*

- *тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг мисолини сохталаштиришга уринишлар;*

- *ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;*

- *турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.*

Ўзбекистон жамиятининг миллий мафқураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Миллий мафкура:

- *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади;*

- *халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуг бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади;*

- *адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;*

- юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;

- жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этади;

- миллати, тили ва динидан қаттиий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик гоъларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради;

- жамоатчилик қалби ва онгини фикрлар хилма-хиллиги, ибодон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

Миллий мафкура, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг-бутун халқимизнинг қуйидаги умумий манфаатларини ифодалайди:

- мамлакатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадлар дахлсизлиги;

- юртнинг тинчлиги, давлатнинг ҳарбий, иқтисодий, гоъвий, экологик, информацион таҳдидларидан муҳофаза этилиши;

- мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш;

- ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлиги;

- жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойилларининг амал қилиш;

Мафкура том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган гушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий гоълар тизимини ўзида мужассам этиши;

- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши;

- ҳар қандай илғор гоъни ўзига сингдириши ва ҳар қандай

ёвуз гоёга қарши жавоб бера олиши;

- замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган манфаат, мақсад- муддаоларни тавсия эта олиши;

Миллий мафкура ана шу талабларга жавоб берган тақдирдагина қуйидаги асосий вазифаларни бажара олади:

- мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;

- ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан ҳоли бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;

- одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустақамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратиш;

- ватандошларимиз тафаккурида ўликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;

- халқимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарм-ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш;

- мамлакатимизнинг қўп миллатли халқи онги ва қалбида “Ўзбекистон-ягона Ватан” деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантириш.

Миллий ва умуминсоний тамойиллари

Мафкура халқимизнинг табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуйидаги миллий хусусиятларни замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутади:

-халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устулиги;

-жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;

-ота-она, маҳалла-қўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

-миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

-каттага ҳурмат ва кичикка иззат;

- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром;

- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Миллий мафкура қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

- қонун устуворлиги;

- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;

- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш;

- диний бағрикентлик;

- дунёвий билимларга интилиш;

- маърифатпарварлик;

- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси- *озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишидир*. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий мафкуранинг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради. Миллий мафкура ўз моҳият эътиборига кўра, жамият ҳаётининг маънавий мезони бўлиб, тафаккур ўзгариши, одамлар онгида янгича дунёқарашнинг шаклланиши ва ижтимоий фикр ривожини учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Миллий мафкура масалаларига  
бағишланган йиғилишда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Ислон Каримов  
нутқидан келиб чиққан хулосалар  
(6 апрел, 2000 йил)**

1. Ўзининг келажagini қурмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига сунниши ва таяниши керак.

2. Бугунги ўзгаришлар даврида, яъни мустабид, югалитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш широйтида халқимиз ўзига хос жуда катта ғов ва тўсиқларга лўч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиси барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишга мақсадларимиз аниқ бўлиши керак.

3. Энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя неғизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

4. Тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор.

5. Миллий ғоя миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб

келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

6. Миллий гоё олдига қўйиладиган асосий талабларнинг икки суянган тоғи-таянчи, булар:

а) биринчи навбатда халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланган бўлса;

б) иккинчи навбатда замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватаннинг равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи кераклиги;

7. Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги курашлар ранг-баранглиги, гоёлар хилма-хиллиги сақланган ҳолда уларни бири бири билан курашишга, баҳслашувга, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишга зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Шу билан бирга, миллий гоё давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт.

## Мустақил давлат

(арабча-“қарам эмас”, “эркин”) – давлатнинг асосий шикли. “Давлат” тушунчасининг ўзи мустақилликни шиглатади. Мустақил давлатнинг энг муҳим белгилари асосан куйидагилардан иборат:

1. Давлат даҳлсиз, ўз ҳудудига ва даҳлсиз давлат чегарасига эга.

2. Давлат шахсларни фуқароликка қабул қилиш ва уларни фуқароликдан маҳрум этиш ҳуқуқига эга.

3. Давлат ўз асосий қонуни-Конституциясига эга.

4. Давлат ҳокимияти уч асосий тармоққа бўлинади-қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти.

5. Давлат ўзининг ҳарбий тузилмаси ва миллий қўшинига эга.

6. Давлат халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб, хорижий давлатлар билан мустақил равишда алоқалар ўрнатиш ёки бу алоқаларни узиш ҳуқуқига эга.

7. Давлат ўз бюджетига, ўз мулкига, молия ва солиқ тизимига эга.

8. Давлат ўз хазинаси ва пул бирлигини-миллий валютасини жорий қилиш ҳуқуқига эга.

9. Давлат ўз жиноят ва фуқаролик, оила ва никоҳ, уй-жой, ер, сув тўғрисидаги қонунларига, шунингдек, суд тизими, суд ишларини ўзи юритиш ҳуқуқига эга.

10. Давлат ўз давлат рамзлари: давлат герби, давлат байроғи, давлат мадҳияси ва ўз пойтахтига эга.

11. Давлат ўзининг асосий тили (давлат тили)га эга. Бу тил махсус қонун асосида ёки тарихий анъана бўйича белгиланади.

12. Давлат ўз тараққиёт йўлини, ўз номини, ўз маъмурий тизимини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга.

13. Давлат умумий сўров (референдум) эълон қилиш ҳамда ҳокимият ва бошқариш органлари тартибини белгилаш ҳуқуқига эга.

## **Миллий манфаатлар**

Миллатга, миллий давлатга маънавий, руҳий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи омиллар. Манфаат тушунчаси моҳиятан мураккаб бўлиб, шахсий, гуруҳий, қавм-қариндошчилик, маҳаллий, минтақавий, миллий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлади. Инсоният олами, ўз моҳиятига кўра, манфаатлар дунёсидир. Юқорида санаб ўтилган манфаат шаклларида ташқари, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, этикавий ҳамда бошқа турдаги манфаатлар мавжуд.

Жамият ўз бошидан кечираётган давр ва тарихий вазифаларга қараб, унинг, яъни манфаатнинг, маълум бир шакли ёки тури жамиятда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.



## Миллий гурур нима ?

Ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросидан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир. Ўз миллатини севадиган ҳар бир инсон, унинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланади, завқланади, унинг муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди.

Миллий гурур ҳар бир кишида ўз миллатининг моддий, маънавий меросларини ўзлаштириш, урф-одатлари, анъаналари. Қадриятларини ва тарихини мукамал билиш ҳамда уни ўзга миллатларники билан қиёслаш натижасида шаклланади. Унинг натижасида унда ўз миллатига меҳр-муҳаббати ошиб боради.

Мустақил Ўзбекистонда фуқароларимизнинг миллий гурурини кутариш, бойитиш ва мустаҳкамлаш энг долзарб, мураккаб ва бажарилиши зарур вазифалардан биридир.

## Маданият дегани нима?

Маданият бу (арабча – мадиналик, шаҳарлик; таълим – тарбия кўрган)

- кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари, усуллари мажмуи. Маданият – моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, хулқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан кенг қамровли воқеадир.

Маданият-баркамол инсонни шакллантириш воситаси. Бу вазифани бажаришга кенг тармоқли маданият ўчоғи: маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар, музейлар, театрлар, маънавият ва маърифат марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар сафарбар этилган.

Маданиятнинг ижодкори, энг аввало, халқдир.

Халқ маданиятида авлодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар жамланган.

## Миллий қадриятлар

Миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлардир.

Абадул – абад ўз қадр-қийматини йўқотмайдиган ирихий мерос миллий қадриятлар деб айтилади.

Ўз миллий қадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ.

Миллат миллий қадриятларнинг соҳиби; миллатнинг ганазули-миллий қадриятларнинг таназзулидир.

Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди.

Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Уларнинг ўтмиши 3 минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди.

Қадриятлар – жамиятда, кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси.

## Маданий мерос-бу нима?

Авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашлар, халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

Ҳар бир давр ва авлод ўзига хос маданий мерос яратади. Маданий меросга қараб давр ва авлодлар ҳақида ҳукм чиқарилади.

Маданий мерос муаллифи халқ оммасидир. Хоразмий, Форобий, Беруний каби алломалар қолдирган ижтимоий, илмий-тафаккурий мерос эса уларнинг иқтидори ва меҳнати маҳсулидир.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқи ўз маданий меросини янгидан тиклади. Ўзбек халқи Марказий Осиёда энг бой ва қадимий маданий меросга эга бўлган халқ.

Бу бойликларни юзага чиқариш, инсоният олдида ўзбек халқининг ҳақиқий маданий ва маънавий қиёфасини кўрсатиш-маданий меросимизни тиклашнинг таркибий қисмидир, Ўзбекистонни оламга танитишнинг зарурий шартидир.

## Миллий онг

Миллий онг- бевосита ҳар бир миллат ёки элатнинг узоқ тарихий этногенез даври, турмуш тарзи, иқтисодий ишлаб чиқариш усули, диний эътиқодлари, маданияти, бошқа халқларнинг бевосита таъсири туфайли шакланган дунёқараши, иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва маданий-маънавий соҳаларда фаоллик даражаси.

Инсон онгли бўлиб туғилмайди. Унинг ижтимоий фазилатлари, яъни онги оила, жамият таъсири туфайли шаклланади. Миллатнинг ўзига хос онги ҳам шундай шаклланади.

Миллий онг, миллатларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнати, бошқа миллатлар билан мулоқот ва мубоҳасаси жараёнида пайдо бўлади ва тил билан узвий боғлиқдир.

## Маърифат

Маърифат (арабча – “билмоқ” сўзидан олинган) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний гоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. “Маърифат” тушунчаси “маънавият” ва “маданият” тушунчалари билан боғлангандир. Маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир. “Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди”, дейди И.А.Каримов.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг илм-маърифатга катта эътибор берилаётир. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, бу борада кенг миқёсда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Президент И.А.Каримов фармони билан 1994 йил 23 апрелда Республика “*Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази*” тузилди. Бу ташкилот давлатимиздаги барча маърифат, маданият ва маънавият ҳомийларини ўз атрофига жипслаштириб, маърифат ишини янги поғонага кўтармоқда.

## Миллат

Миллат (арабча – “халқ”) – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиш, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириш, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлик.

Ер юзида уч мингга яқин миллат мавжуд.

Миллатлар сон жиҳатдан 5 та гуруҳга бўлинади:

А) *Буюк* миллатлар: хитойлар 1 млрд. 200 млн., ҳиндлар, америкаликлар, руслар, японлар – ҳар бири 100 млн. дан ортиқ сонга эга;

Б) *Катта* миллатлар: (50 млн.дан-100 млн.гача)-инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар ва бошқалар;

В) *Йурик* миллатлар: (ҳар бири 10 млн.дан – 50 млн.гача) – ўзбеклар, португаллар, поляклар ва бошқалар.

Г) *Ўрта* сонли миллатлар: (ҳар бири бир миллиондан ўн миллионгача);

Д) *Кичик* миллатлар: (ҳар бири бир неча ўн мингдан бир миллионгача).

## Истиқлол нима дегани?

“Истиқлол” бу ( кўтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш, юқбри жойга эришиш) – ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шартлари. “*Истиқлол*” сўзи “мустақиллик” сўзига нисбатан бирламчидир. “*Истиқлол*” сўзи “бошқаларга тобеъ бўлмай ўз эрки билан яшаш, ўзини ўзи ндора қилиш, эркинлик” маъносини билдиради.

“*Мустақиллик*” эса “ихтиёри ўзида бўлган, тобеъ эмаслик, қарам эмаслик, ўзганинг ёрдамисиз ва раҳнамолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб кун кечири оладиган” деган маъноларни билдиради.

Ўзбекистон 1991 йили 31 августда ўз истиқлолини қўлга киритиб, жаҳон майдонига чиқиб, қаддини ростлади.

Истиқлолга интилган Ўзбекистон халқи мустақилликка эришди. Мамлакат раҳбариятининг оқилона, шаҳдам ва матонат билан ҳаракат қилиши туфайли Ўзбекистон истиқлол йўлига дадиллик билан чиқди. Энди юртимиз истиқлолнинг энг мураккаб масаласини ҳал этиш даркор, у ҳам бўлса, Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришдир.



## **Менталитет деганда нимани тушунализ?**

(Менталитет-лотинча «mens» - ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади. Ўзбек миллати менталитетининг шаклланиш жараёни деярли 3500 йиллик тарихга эга.

Ўзбек халқи инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналар билан бойитди.

Мустақиллик мафқурасининг энг асосий вазифаларидан бири – ўзбек халқининг ҳақиқий менталитетини тиклашдир.

## Валюта нима?

Валюта (итал. — қадрланмоқ, қиймат) — мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз) пулга тенглаштирилган тўлов воситалари; пул ҳисоб-китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа алоқаларда қатнашади. Валюта сифатида миллий пул бирлиги (масалан АҚШ да *доллар*, Европа давлатларининг аксариятида *евро*, Ўзбекистонда *сўм*) валюта курсида ифодаланадиган халқаро баҳога эга.

Амалиётда валюта миллий банкнотлар, шунингдек, тўлов воситалари ва ҳисоб-китобнинг кредит ҳужжатлари шаклида қўлланади. Бундан ташқари, халқаро шартномалар асосида ташкил топган ҳисобларга ёзиб қўйиш ҳам валютага киритилади. Халқаро тўлов муомаласи эркин алмаштириладиган ёки Халқаро валюта фонди белгиллаган курс бўйича эркин алмаштириладиган валюта билан бажарилади.

## **Ўзбекистонда миллий валюта қачон жорий этилган?**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1994 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги фармониغا кўра сўм тарихда биринчи бор 1994 йил 1 июлидан пул муомаласига киритилди. Сўм Республика ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг ўлчами (номинал) 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 бўлган сўмлари ва ўлчами 1, 3, 5, 10, 25, ва 50 бўлган металл тийинлари тарзида муомалага киритилди.

1997 йилнинг март ойида 1997 йил нусхасида қиймати 200 сўм бўлган ва 2000 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 500 сўм бўлган пул купюраси муомалага чиқарилди. 2001 йилдан бошлаб қиймати 1000 сўм бўлган пул купюраси ҳам муомалага чиқарилди.

## 2011 йилнинг айрим иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 % ни ташкил этди, умумий ҳажми эса 2,1 баробар ошди.

Саноат ишлаб чиқариш 6,3 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 %, чакана савдо айланмаси 16,4%, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 % га ўсди.

Истъомол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,2 % га ўсди.

Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 млрд. 500 млн.доллардан ошди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 % га ўсди.

6 млн. 800 минг тонна галли, 3 млн. 500 минг тонна яқин пахта, 8 млн. 200 минг тоннадан ортиқ сибжиёт ва полиз, қарийб 3 млн.тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди.

6 млн. 600 минг тонна сўт, 1 млн. 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 млрд. 500 млн. донадан зиёд тухум тайёрланди.

Иқтисодиётнинг реал секторига қарийб 2 млрд. 900 млн. доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди.

Республикамизда иш ҳақи 20,2 % га, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори 26,5 % га ўсди.

166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 мактаб капитал таъмирланди. 852 мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди.

1 млн.га яқин иш ўринлари яратилди, уларнинг 68 % дан кўпроги қишлоқ жойларида ташкил этилди.

## Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва ҳаракатлар

Умумий гоя ва манфаат, ижтимоий-сиёсий мақсадлар асосида одамларни ихтиёрий равишда уюштирувчи турғун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир-бирига боғловчи энг муҳим воситалардан бири.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия ва иккита ҳаракат мавжуд бўлиб, булар:

1. “Ўзбекистон Халқ демократик партияси”(1991 й.)
  2. “Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси”(1995 й.)
  3. “Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси” (1995 й.)
  4. “Ўзбекистон Либерал-демократик партияси” (2003 й.)
- 
1. “Камолот”-ёшлар ижтимоий ҳаракати (2001 й.)
  2. Ўзбекистон экологик ҳаракати (2008 й.)

Мустақил Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

## **Демократия деганда нимани тушунмоғимиз керак?**

Демократия - “халқ ҳокимияти” деган маънони билдиради. Демократия-халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишини ташкил этиши, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди.

Демократия бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Ҳар қандай жамиятнинг ва ҳар қандай халқнинг ўзига хос демократияси бўлади.

Демократия инсониятнинг маданияти, маънавияти, ижтимоий онги, менталитети, идроки, билим доираси, жамиятда эркин яшаш ва меҳнат қилиш кўникмаси билан биргаликда шаклланиб, ривожланиб борадиган табиий жараёндир.

## **Конституциявий суд**

Конституциявий суд-Ўзбекистон Республикасининг суд тизимига кириб, қонунларнинг Конституцияга мос келишини, шунингдек, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мос келишини назорат қилади. Конституциявий суд раиси, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда. Олий Мажлиснинг Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Конституциявий суд таркибига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади.

Конституцион суд ҳеч қандай органга бўйсунмайди, у фақат Конституция ва қонунга бўйсунди. Унинг фаолияти махсус Конституциявий суд туғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

## **Прокуратура нима?**

Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамма ерда бир хилда бажарилишини назорат қилувчи махсус давлат органи. Ўзбекистон прокуратура тизимини Бош прокурор бошқаради. Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, Олий Мажлис Сенатида тасдиқланади.

Прокуратуранинг қуйи тузилмалари маъмурий-ҳудудий тузилмаларда, вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда тузилади. Прокуратура марказлашган ва яқка бошчилик тартибда иш юритади. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларига назорат вазифасидан ташқари, тергов ишларини олиб бориш, улар устидан назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилган.



# **Ўзбекистон Республикасида жорий этилган ҳарбий (махсус) унвонлар**

Қуруқлик қўшин ва кема таркибидаги унвонлар

## **I. Оддий аскарлар таркиби**

Оддий аскар                              матрос

## **II. Сержантлар ва старшиналар таркиби**

Кичик сержант                          2- даражали старшина

Сержант                                  1- даражали старшина

Катта сержант                          Бош старшина

## **III. Офицерлар таркиби**

### **Кичик офицерлар таркиби**

Лейтенант                                Лейтенант

Катта лейтенант                        Катта лейтенант

Капитан                                  Капитан-лейтенант

### **Катта офицерлар таркиби**

Майор                                      3- даражали капитан

Подполковник                          2- даражали капитан

Полковник                                1- даражали капитан

## **IV. Генераллар таркиби**

Генерал-майор

Генерал-лейтенант

Генерал-полковник

# **Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари ходимларига бериладиган даражали махсус унвонлар**

*Олий даражали махсус унвонлар:*

Ҳақиқий Давлат адлия маслаҳатчиси

1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

*Юқори даражали махсус унвонлар*

Адлия катта маслаҳатчиси

Адлия маслаҳатчиси

Адлия кичик маслаҳатчиси

*Қуйи даражали махсус унвонлар*

1-даражали юрист

2-даражали юрист

3-даражали юрист

Кичик юрист

**Ўзбекистон Республикаси  
суд ходимларига бериладиган махсус  
унвон-мансаб даражалари**

1- даражали адлия маслаҳатчиси

2- даражали адлия маслаҳатчиси

3- даражали адлия маслаҳатчиси

1- даражали юрист

2- даражали юрист

3- даражали юрист

## **Солиқ органларининг мансабдор шахсларига бериладиган махсус унвонлар**

Солиқ хизматининг Бош Давлат маслаҳатчиси

Солиқ хизматининг I-даражали давлат  
маслаҳатчиси

Солиқ хизматининг II-даражали давлат  
маслаҳатчиси

Солиқ хизматининг III-даражали давлат  
маслаҳатчиси

Солиқ хизматининг I-даражали маслаҳатчиси

Солиқ хизматининг II-даражали маслаҳатчиси

Солиқ хизматининг III-даражали маслаҳатчиси

Солиқ хизматининг I-даражали инспектори

Солиқ хизматининг II-даражали инспектори

Солиқ хизматининг III-даражали инспектори

Солиқ хизматининг инспектори

**Вилоятлар ҳоқимлари  
(январ, 2012)**

- |   |                           |
|---|---------------------------|
| 1. Андижон                                | - Усмонов Аҳмаджон        |
| 2. Бухоро                                 | -(в.б.) Эсонов Муҳиддин   |
| 3. Жиззах                                 | - Исмоилов Сайфиддин      |
| 4. Навоий                                 | - Турдимов Эркинжон       |
| 5. Наманган                               | - Юсупов Баҳодир          |
| 6. Самарқанд                              | - Мирзаев Зофир           |
| 7. Сирдарё                                | - Ашурматов Ойбек         |
| 8. Сурхондарё                             | -(в.б.) Чориев Нормўмин   |
| 9. Тошкент                                | - Холматов Рустам         |
| 10. Фарғона                               | -(в.б.) Фаниев Шуҳрат     |
| 11. Хоразм                                | -(в.б.) Бобожонов Пулат   |
| 12. Қашқадарё                             | - Жўраев Туробжон         |
| 13. Қорақалпоғистон Республикаси          |                           |
| Вазирлар Кенгаши Раиси - Янгибоев Баҳодир |                           |
| 14. Тошкент шаҳри                         | -(в.б.) Усмонов Раҳмонбек |

## **Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели**

*Шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси;*

*Давлат ва жамият-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;*

*Узлуксиз таълим-малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;*

*Фан-юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;*

*Ишлаб чиқариш-кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.*

## **Кадрлар тайёрлаш дастурини рўёбга чиқариш босқичлари**

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997 – 2001) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич (2001-2005) – Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)- тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

## **Таълим тизими ва турлари** **(1997 йил 29 август)**

1. *Мактабгача таълим.* 6-7 ёшгача оилада, болалар боғчасида ва бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

2. *Умумий ўрта таълим.* Бошланғич таълим (I-IV синфлар); умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

3. *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.*

Академик лицейлар;

Касб-ҳунар коллежлари;

4. *Олий таълим.*

Университетлар;

Академиялар;

Институтлар;

(Бакалаврият, магистратура )

5. *Олий ўқув юртидан кейинги таълим.*

Стажёр-тадқиқотчи изланувчи

Адъюнктура;

Докторантура - Катта илмий ходим-изланувчи.

Аспирантура - Стажёр-тадқиқотчи изланувчи

6. *Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.*

7. *Мактабдан ташқари таълим.*

Болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар ва кутубхоналар ва бошқа муассасалар.



## **Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари нечта?**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги “Республикада янги олий ўқув юртлари ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети, бир неча институтлар ҳамда уларнинг филиллари очилди. Республикада бугунги кунда жами 76 олий ўқув юрти фаоллият кўрсатмоқда. Шулардан 3 таси Академия, 19 таси Университет, 38 таси институт, 1 таси консерватория, 2 таси Олий мактаб (техник, миллий рақс) ва 8 та Республика, чет эл олийгоҳлар филиллари: Тошкент тиббиёт академиясининг Фаргона ва Урганч, Тошкент тиббиёт педиатрия институтининг ва Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиллари, Россиянинг И.Губкин номидаги нефть ва газ университети ҳамда Г.Плеханов номидаги иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиллари. Шунингдек, Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Турин политехника университети. Булардан ташқари, бир неча махсус Олий ҳарбий билим юртлари ҳам фаоллият кўрсатмоқдалар.

**Ўзбекистон Республикасида академик  
лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари  
(январ, 2012 йил)**

<b>Вилоятлар</b>	<b>АЛ</b>	<b>КҲК</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	10	91
Андижон	12	117
Наманган	10	108
Фарғона	12	143
Бухоро	8	80
Хоразм	6	85
Сурхондарё	5	115
Қашқадарё	7	130
Жиззах	4	75
Навоний	4	47
Самарқанд	14	158
Сирдарё	4	47
Тошкент	6	121
Тошкент шаҳри	39	79
<b>Жами:</b>	<b>1537</b>	<b>141</b>
		<b>1396</b>

## **Омбудсман деганда нимани тушунамиз?**

У инсон ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилиш учун махсус сайланадиган (ёки тайинланадиган) мансабдор шахс.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили мақоми 1995 йилда киритилган ва у қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Фуқаролардан тушган шикоятларни кўриб чиқиш.

2. Аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланишга ҳақли бўлган воситаларни кўрсатиш.

3. Шикоятни унинг моҳияти бўйича ҳал этишга ваколатли, мансабдор шахсга ёки ташкилотга бериш.

4. Аризачини тегишли ҳужжатлар, шунингдек, бошқа материаллар билан таништириш ҳамда шикоятни кўриб чиқишни рад этиш ва рад этиш асосларини кўрсатиш.

Вакилнинг хулосасини олган мансабдор шахс ёки ташкилот уни дарҳол кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай жавоб йўллаши шарт.

Вакилга кўмаклашиш учун Олий Мажлис томонидан вакил ҳузурида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича жамоатчилик асосида ишлайдиган комиссия тузилади.

Олий Мажлис вакили, яъни омбудсман – Рашидова Сайёра Шарофовна.

## **Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган орден, медал ва нишонлар**

1. “Соғлом анлод учун” ордени (I-ва II-даражали),  
7 май 1993 йил.
2. “Мустақиллик” ордени. 5 май 1994 йил.
3. “Дўстлик” ордени. 5 май 1994 йил.
4. “Олтин юлдуз” медали. 5 май 1994 йил
5. “Жасорат” медали. 5 май 1994 йил
6. “Шухрат” медали. 5 май 1994 йил
7. “Меҳнат шухрати” ордени. 30 август 1995 йил.
8. “Шоҳ-шараф” ордени. (I-ва II-даражали ), 30 август  
1995 йил.
9. “Амр Темур” ордени. 26 апрел 1996 йил.
10. “Буюк хизматлари учун” ордени. 29 август 1996 йил.
11. “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони. 22 июл 1997  
йил
12. “Эл-юрт хурмати” ордени. 28 август 1998 йил.
13. “Жалолиддин Мануберди” ордени. 30 август 2000  
йил.
14. “Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги” эсдалик  
нишони. Июл 2001 йил.
15. “Фидокорона хизматлари учун” ордени. 29 август  
2003 йил.
16. “Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги” эсдалик  
нишони. Июл 2006 йил.
17. “Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучларига 15  
йил” эсдалик нишони. 26 декабр 2006 йил.
18. “Содиқ хизматлари учун” медали. 6 июл 2007 йил
19. “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил”  
эсдалик нишони. 17 май 2011 йил.
20. “Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучларига 20  
йил” эсдалик нишони. 31 октябр 2011 йил.

## **Ўзбекистон Республикасида жорий этилган фахрий унвонлар**

- “Ўзбекистон Қаҳрамони”
- “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”
- “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси”
- “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”
- “Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган изобретчи ва рационализатор”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор”

- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими”
- “Ўзбекистон ифтихори”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”
- “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими”

## **“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати – Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилоти. Ҳаракат 2001 йил 25 апрелда бўлиб ўтган Таъсис қурултойи қарори билан ташкил топган. Таъсис қурултойида Ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди.

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади-Ўзбекистон ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-гайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Ҳаракатга 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлишлари мумкин. Ҳаракатнинг олий органи – 5 йилда бир марта чақириладиган қурултой, раҳбар органи - 6 ойда бир марта чақириладиган Марказий Кенгаш, ижроия органи – 2 ойда бир марта чақириладиган Ижроия қўмита ҳисобланади.

Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган Болалар ташкилоти тузилган.

Ҳаракат Ёшлар муаммолари институти, “Янги аср шлоди” нашриёт-матбаа марказини таъсис этган. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигида “Туркистон”, “Молодёжь Узбекистана” газеталари, “Ёш куч”, “Сирли олам”, “Синфдош”, “Фунча”, “Ғиблик”, “Қалб кўзи” журналлари нашр этилади.

## Ат-Термизий

(Таваллуд йили номаълум-883 ёки 893 йилларда вафот этган)

Мусулмон оламида машҳур, йирик муҳаддислардан ҳамда Қуръони карим тавсифчилари орасида энг стукларидан бири. Пайғамбар ҳадисларини тўплаш ва ўрганишда Ат-Термизий икки йўлдан борган:

Биринчидан, ҳадислар иснодлари (нисбат бериш занжири)нинг боғлинишига танқидий ёндошган.

Иккинчидан, ҳар бир ҳадис атрофидаги мазҳаблараро нуқтан назарлар курашига эътибор қилган, ҳолисона таҳлил ва талқин қилган. Бу ишда у машҳур имомлар изидан бориб, исломда мақсадга мослашиш тамойилларини киритган, мусулмон Шарқидаги ҳурфикрлик, илмий-фалсафий, диний -ахлоқий тафаккурнинг кенг қамровлигини умуман, исломнинг замон шарт-шароитларига ўта мослашувчанлик қобилиятини ишондан бири бўлган.

Мустақиллик шарофати туфайли буюк олимнинг асарлари унинг Ватанида нашр этилмоқда, ҳаёти ва ижоди ҳар томонлама ўрганилмоқда.



## Ал - Хоразмий (783 – 850)

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Буюк олим бошлангич таълимни ўз юртида хусусий муаллимлардан олади, сўнгра Марвдаги мадрасада ўқийди, кейинчалик Бағдоддаги “Байт-ул ҳикма” (“Донишмандлар Уйи”) га таклиф қилинади. Бу илм масканида марказий осиёлик Аҳмад ал-Фаргоний, Ҳамид ибн Абдумалик Марваррудий, Аббос Жавҳарий каби олимлар билан ҳамкорликда ижод қилади.

Асарлари: *“Ал-жабр ва ал-муқобала”*. “Ал-жабр” сўзидан бизга маълум бўлган “алгебра”, “алгоритм” каби атамалар келиб чиққан. *“Ҳинд ҳисоби бўйича китоб”*, *“Астрономик зиж”* асарларида астрономияга оид муаммолар ҳақида сўз юритилади. Ойлар, шамсий ва қамарий, ҳиҷрий ҳисоблар тавсифи, сайёраларнинг ҳаракатлари, ой кенгламаси ва унинг ҳаракати, синусни ёйга кўра аниқлаш, тескари синуслар жадвали, соялар жадвали берилади. “Ер сурати ҳақида китоб” ида 2400 шаҳар, денгиз, орол ва бошқа объектларнинг жойланиши, координатлари ва ҳолатлари ҳақида маълумот берилади. Нил дарёси, Азов, Каспий ва Орол денгизларининг географик хариталарни, манзаралари чизиб берилган. *“Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб”*, *“Яҳудийлар эралари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола”*, *“Китоб ат-тарих”*, *“Китоб ар-руҳнома”* каби 16 та асари маълум.

## Аҳмад ал – Фарғоний (797 – 865)

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал Фарғоний.

У бошланғич таълимни олғач, даврининг маъмурий ва илм маркази Марвга борган, сўнг Бағдодда ташкил этилган “Байт ул – Ҳикма” да фаолият курсатган.

Асарлари: *“Самовий ҳаракатлар ва умумий астрономия китоби”*, *“Устурлоб яшаш ҳақида китоб”*, *“Устурлоб билан ишлаш китоби”*, *“Жадвал ал Фарғоний”*, *“Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола”*, *“Етти иқлимни ҳисоблаш”*, *“Қуёш соатини яшаш китоби”*, *“Ал-Хоразмий “Зиж”ининг назарий қарашларини асослаш”* каби 8 та асари бор.

Ал-Фарғоний ўз кашфиётларида гелиоцентризмга ўтиш учун илмий замин яратди, экватор ва эклиптика текисликларидаги доимий бурчакни 23 даража 35 минут деб аниқ ўлчади, сфералар радиусини биринчи марта белгилаб берди, Ой ва Қуёш тугилишларини тадқиқ этди. Ер ёйининг қайси узунлиги 1 градусга тўғри келишини ўлчаб, бу миқдорни аниқлади, уни 360 га кўпайтириб, 40800 км. ни ҳосил қилишни қайд этган. Ер шари меридианининг узунлигини айтиб берди. Нил дарёси гидрометеорологик табиатини аниқлайдиган асбоб ясади. Инсон яшайдиган майдонни етти иқлимга бўлди, вақт ўлчамини, осмоннинг келажак манзарасини ифодалайдиган устурлоб назарияси ва бошқаларни яратди.

## Имом ал-Бухорий (810 – 870)

Асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. У ёшлигиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини севиб ўрганган, уларни ёд олган. 16 ёшида Имом Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланди. Унинг хотираси ҳар қандай китобни бир марта мутолаа қилишда ёд олиш қобилиятига эга бўлган. У юз минг саҳиҳ ва икки юз минг гайри саҳиҳ ҳадисни ёддан билган.

Асарлари: *“Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”* (асар ислом таълимотида Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида баҳоланади), *“Ат-Тарих ал-кабир”*, *“Ал-Адаб ал-муфрад”*, *“Ат-тариҳал-авсот”*, *“Ал-Жомеъ ал-кабир”*, *“Китоб ал-илал”*, *“Барр-ал –волидайн”*, *“Китоб ал-ашриба”*, *“Китоб аз-зуҳфо”*, *“Асомиус-саҳоба”*, *“Китоб ал-Куна”* каби 20 га яқин асарлари мавжуд.

Имом Бухорий Ҳартанг қишлоғи (Ҳозирги Челак тумани) да вафот этган. Бу ерда унга атаб меъморий мажмуа қурилган.

## Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944)

Калом илми, шариатнинг назарий, ақидавий (Ақида – бирон – бир динга мансуб бўлган шахс учун мажбурий ҳисобланган, ҳар қандай шароитда сўзсиз, муҳокама юритмасдан эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талаблар мажмуи) қисмини ташкил этиб, ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий мулоҳаза юрғатиш жараёнида махсус фан соҳаси сифатида вужудга келган.

Абу Мансур ал-Мотуридий калом илми соҳасида жуда катта ютуқларга эришган ва ҳанафий мазҳаби негизида шаклланган мотуридия мактабига асос солган.

Абу Мансур ал-Мотуридий асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғида (ҳозирги Жомбой туманида) тугилган. Унинг тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Бизгача Абу Мансур ал-Мотуридийнинг араб тилида ёзилган иккитагина асари етиб келган. Улар: “*Таъвилот аҳл ас-сунна*” ва “*Қитоб ат-Таъхид*”. Ушбу асарлар туркий элатларга исломий одоб қоидалари, шариат қонунлари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга мўлжалланган.

Абу Мансур ал-Мотуридий Самарқандда вафот этган бўлиб, шу шаҳардаги Чокардиза қабристонига дафн этилган.

## Абу Наср Форобий (873 – 950)

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуг Форобий Сирдарё бўйидаги Фороб деган қишлоқда дунёга келган. Абу Наср Форобий-файласуф, мутафаккир, қомусий олим. У Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Дамашқ шаҳарларида ўз билимини оширган. Олим 70 дан ортиқ тилни билган. Фан оламида унинг 160 дан ортиқ асари маълум. Асарлари: “*Фозил одамлар шахри*”, “*Ихсо ал-улум*”, “*Ҳикмат асослари*”, “*Аристотель логикасига талқинлар*”, “*Катта мусиқа китоби*”, “*Фуқаролик сиёсати*”, “*Мантиққа кириш*”, “*Вакуум ҳақида*”, “*Метафизика тезислари*” ва бошқалар.

Абу Наср Форобий дунёқарашининг асосини пантеистик гоё ташкил этади. Унинг фикрича, мавжудот эманация ёрдамида ибтидодан босқичма-босқич пайдо бўлган. Форобий ўзининг ижтимоий қарашларида маънавий ҳаётга онд кўпгина қимматли фикрларни олга сурган. У инсоният жамиятини вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий сабабларини кўрсатиб берган. Жамият ахлоқининг вужудга келиши, инсон ва жамиятнинг узаро муносабатини таҳлил қилган. Шунингдек, у инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон муаммосини ўртага қўйган ва уларни назарий жиҳатдан асослаб берган. Абу Наср Форобий Дамашқда вафот этган.

## **Абу Райҳон Беруний (973 – 1048)**

Абу Райҳон Беруний Хоразмнинг қадимий пойтахти Кат шаҳрида дунёга келган. 1005-1017 йилларда Хоразмшоҳ Маъмун академияси (Байтул ҳикма) да фаолият кўрсатган. 1017 йили Маҳмуд Фазнавий уни Фазнага олиб кетган. Ватандан ташқарида яшаганлиги учун “берун”- (“ташқари”) деган лақаб олган.

Беруний – жаҳон, ҳусусан, Шарқ маданияти, фанининг ёрқин сиймоларидан бири, ўрта асрлар даврининг буюк қомусий олими. Берунийнинг ўрта асрлар фанларига, ҳусусан, астрономия, физика, математика, геодезия, фанлар тарихи ва бошқа фанларга қўшган улкан ҳиссаси уни бутун дунёга танитди.

Асарлари: *“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Масъуд қонуни”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия”, “Сайдана”* ва бошқалар.

Ўша даврдаги алломалар билан қилган илмий мунозараларда ўзига хос атомистик назарияни ҳимоя қилади, геоцентрик ва гелиоцентрик назариялар тенглиги ҳақидаги фаразларни илгари суради, инсон ҳайвондан ўз ақли билан фарқ қилишини таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний 150 дан ортиқ асар ёзган. Ўрта асрлардан бошлаб ҳусусан, XIX асрда, унинг асарлари лотин, француз, инглиз, олмон, форс, турк тилларига ўгирилди. Абу Райҳон Беруний Фазнада вафот этган.

## Абу Али ибн Сино (980 – 1037)

Абу Али ибн Сино, асл исми Ҳусайн, отасининг исми Абдуллоҳ. Машҳур қомусий олим. Табиатшунос, файласуф, астроном, тилшунос, математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос ёзувчи ва шоир. Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида дунёга келган. Ибн Сино “Шайх-ур-раис” (“Олимлар бошлиғи”) деб ном қозонган.

Асарлари: *“Алқонун фит тибб”*, *“Китоб аш-шифо”*, *“Китоб ул-инсоф”*, *“Китоб лисон ул-араб”*. *“Донишнома”*, *“Рисола ат-тайр”*, *“Саломон ва Ибсол”*, *“Ҳайй ибн Яқзон”*, *“Китоб ал ишорат”*, *“Юсуф қиссаси”*, *“Уржузалар-тиббий дostonлар”* ва бошқалар.

Ибн Сино меросини 450 дан ортиқ асарлар ташкил этади. Шулардан бизгача 160 тага яқини етиб келган.

Абу Али ибн Сино Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон халқлари маданиятини дунё миқёсида кўтаришга улкан ҳисса қўшган буюк олим. ЮНЕСКО қарорига биноан унинг 1000 йиллик юбилеи 1980 йилда дунё миқёсида кенг нишонланди.

## Аҳмад Яссавий (1103-1166)

Аҳмад Яссавий-суфийлик тариқатининг тарғиботчиси, туркийзабон шоир. Хожа Аҳмад Яссавий Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳрида туғилган. Унинг асарлари мажмуаси 1878 йили нашр этилган ва “Девони ҳикмат” номи билан маълум. Аҳмад Яссавий шеърларининг ҳар парчасига “ҳикмат” унвони берилган ва улар тўпланиб, китоб шаклига келтирилган.

Хожа Аҳмад Яссавий Қуръон ҳикматлари, ҳадислар мазмуни ва тасаввуф гояларини қўшиб куйлаган, инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқ, орифлик, ошнқлик, хил-ват ва узлат билан боғлаган. Аҳмад Яссавий биринчи бўлиб тасаввуф гояларини туркийлар орасига ёйиб, нафс ва худбнлик каби кўпгина ёмон иллатларни қаттиқ танқид қилди.

Баҳоуддин Нақшбандга тааллуқли деб тан олинган “Дил ба ёр-у, даст ба кор” иборасини ҳам илк бор Аҳмад Яссавий туркийда “Ниятинг худода, қўлда ншинг” шаклида баён этган.



## Ал-Маргиноний (1123 – 1197)

*Калом* илми шариятнинг назарий-ақидавий қисмини ташкил этса, *фиқҳ* илми унинг амалий қисмини ўз ичига олади.

Фиқҳ-ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси сифатида VIII-X асрларда шаклланди ва унинг методологияси вужудга келди.

Ана шу фиқҳ илмининг билимдони, буюк аллома Шайх ул-ислом Имом Бурҳониддин ал-Маргинонийнинг асл исмлари Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Маргинонийдир.

Ал-Маргиноний қатор асарлар муаллифи бўлиб, улардан *“Китоб ул-фароиз”*, *“Нашр ул-мазҳаб”*, *“Маносик ул-ҳаж”* кабиларни зикр этиш мумкин.

Аллома ижодидаги ҳар бир асар ўз ўрни ва вазнига эга бўлса-да, муаллифнинг номини бутун ислом оламига машҳур қилган шоҳ асар бу *“Ал-Ҳидоя”*дир.

*“Ал-Ҳидоя”* асари мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган деярли барча ҳуқуқий ҳолатларини ўз ичига олган кенг қамровли асардир.

Бурҳониддин ал-Маргинонийнинг мазкур асари муайян муддат ўтиб эмас, балки аллома замонасидаёқ ниҳоятда юксак баҳоланган. Ушбу асар ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида ўрта асрларда битилган энг нодир, энг қулай ва марғуб асар. Айнан шу асар, асрлар оша қатор мамлакатларда, шу жумладан, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида ҳам дарслик сифатида фойдаланиб келмоқда.

## Нажмиддин Кубро (1145 – 1221)

Нажмиддин Кубро Марказий Осиёнинг шайхул-машойихларидан бири, “Кубровия” тариқатининг асосчиси.

Асл номи Аҳмад бин Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, куняси “Абдулжанноб” (тақводорлар отаси)дир. Шариат ва тариқат илмининг буюк донишманди бўлгани учун “Кубро” (улуғларнинг улуғи) деган тахаллусни олди.

Нажмиддин Кубро тариқат ва футувватни (жавонмардликни) бир-бирига қўшди, ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик гоёларини тарғиб этди. Илоҳни севиш билан яхши инсонларни севишни бирга олиб қаради, нафсни қаттиқ мазаммат этиб, яъни қоралаб, улуғ тақво пири сифатида ном чиқарди.

Нажмиддин Кубро асос солган “Кубровия” тариқати Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатларига тарқалиб, минглаб мухлисларга эга бўлди.

Унинг таълимоти халқларнинг миллий ўзига хослиги, турмуш тарзи, фикр юритишдаги хусусиятлари ва миллий менталитетининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу таъсирни ўрганиш ва билиш миллий ўзлигимизни аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

## Баҳоуддин Нақшбанд (1318 – 1389)

Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ал-Бухорий ситти пирнинг бири. Марказий Осиёда, XIV асрда вужудга келган тасаввуф тариқатларидан бири “нақшбандия” Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғланган. Нақшбанд Бухоро ёнидаги “Қасри Ҳиндувон” қишлоғида туғилган. Кейинчалик бу қишлоқ Нақшбанд шарофати билан “Қасри Орифон” номини олган.

Асарлари: “*Арбоби урфон*”, “*Далил ул-ошиқин*”, “*Аврод*”.

Нақшбанд Бобой Саммосий қўлида тарбия топган. Кейинчалик унга Саййид Мир Кулол раҳнамолик қилган. Бу инсон атоқли мутасаввуф олим бўлиб, Баҳоуддиннинг ҳар томонлама камол топишига ўз ҳиссасини қўшган. Нақшбанд таълимотининг асосида 11 рашҳа – қоида ва ихтиёрий равишдаги фақирлик ҳамда “*Дил – ба ёру, даст – ба кор*” (“Дил – муҳаббат ( худо ), қўл – иш билан банд бўлсин”) деган ғоя ётади.

Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий ва бадиий фикр тараққиётига асрлар давомида жиддий таъсир кўрсатиб келди, мустақил Ўзбекистон ҳамда ўзбек миллатининг ўтмиши, фалсафий ва маънавий меросини ўрганишга ва миллий тикланишимизга хизмат қилади.

## Амир Темур (1336 – 1405)

Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарагай Баҳодир-ийрик дандат арбоби, снгулмас саркарда, ўрта асрда энг катта давлатлардан бирининг бунёдкори, ташқи муносабатларда энг оқил йўлларни топа билган раҳбар, жанг санъати ва қонуларини ишлаб чиққан машҳур лашкарбоши.

Марказий Осиё Уйғониш даври, Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида мустаҳкам негизга эга бўлди.

Амир Темур давлатни мустаҳкамлашда савдогарларга, ҳунармандларга, шайхларга ва иелом динига таяиди, ички ва ташқи савдони йўлга қўйди. Илм-фан, адабиёт, санъат тараққиети учун қулай шароитлар яратди, забт этилган мамлакатлардан олиму-фузалоларни, илоҳиётчиларни, санъат намояндаларини Самарқандга олиб келди. Натижада меъморчилик, рассомчилик, наққошлик юксак чўққиларга кўтарилди.

Амир Темур ҳаёти давомида “Куч адолатдадир” шioriга амал қилган.

“Амир Темур шахсини идрок этиш-тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш-ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуглаш-тарих қаъригача чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.” - деб таърифлайди Республикамыз Президенти Иелом Каримов.

## Мирзо Улугбек (1394 – 1449)

Муҳаммад Тарагай Улугбек Эроннинг гарбида жойлашган Султония шаҳрида бобоси Темурнинг ҳарбий юриши пайтида дунёга келган. У Шоҳрух Мирзонинг тунгич ўғли.

Улугбек 39 йил давомида Мовароуннаҳрга ҳокимлик қилади. Лекин тарихда буюк табиатшунос олим, мунажжим ва математик сифатида донг таратган, ўша даврларда тенги бўлмаган Самарқанд астрономия расадхонасини яратган, ўз замонасининг йирик академиясини ташкил қилган, “Зижи Курагоний” китобини ёзиб қолдирган.

Улугбек астрономияси геоцентризмга асосланган бўлса-да, унинг астрономияга тегишли математик мулоҳазалари эскирмайдн ва ҳануз илмнинг ривожига хизмат қилмоқда.

Улугбек илмий меросини ўрганишга биринчи бўлиб Европа олимлари алоҳида аҳамият беришди, унинг асарларини таҳлил қилдилар ва нашр эттирдилар.

Улугбек ўз замонининг энг стук олти астроном олимларининг биринчиси деб тан олинган.

Олим академиясида бир қатор йирик олимлар хизмат қилганлар: Фиёсиддин ал-Кошнӣ, Қозизода Румӣ, Али Қушчи ва бошқалар.

Улугбек ўз юртини ҳамда жаҳон фанни ривожлантирди. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКО Улугбек таваллудининг 600 йиллигини жаҳон миқёсида ўтказди.

Халқимизнинг Улугбекка бўлган ихлоси ниҳоятда баланд. Мустақил Ўзбекистонимиз тарихида у мустаҳкам ўрнини эгаллаган.

## Абдурауф Фитрат (1886 – 1937)

Абдурауф Абдурахим ўгли Фитрат Бухоро шаҳрида туғилган. «Фитрат» унинг арабий тахаллуси бўлиб, “туғма табиат”, “туғма истеъдод”, “порламоқ” маъноларини англатади.

Фитрат 1909 йили “Жамияти Хайрия” нинг кўмагида, Россия шаҳарлари орқали Истанбулга ўқишга боради. Фитрат 17 ёшидан бошлаб жиддий илмий – ижодий иш билан шуғулланади. Унинг асарлари адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, фалсафа, диншунослик, шарқшунослик, этика, эстетика, мусиқа, шахмат, мелиорация, геодезия каби билим соҳаларига бағишланган. Унинг дастлаб яратилган “Мунозара” (1909), “Ҳинд сайёҳи” (1911), “Раҳбари нажот” (1915) асарлари нафақат бадиий ва диний, балки, ижтимоий ва фалсафий, маърифий ва ахлоқий тусдаги асарлар эди. Уларнинг моҳиятида жадидчилик гоялари ётарди. Фитрат Петроград дорилфунунининг Шарқ факултетида маърузалар ўқиб юрган кезлари, ўзбек олимларидан биринчи бўлиб профессор унвонига сазовор бўлган.

Ўз илмий ва амалий фаолияти жиҳатидан унинг ва серқирра ижод этган олим ва миллатпарвар Фитрат 1937 йилда машъум қатағон сиёсатининг қурбони бўлди.

## Абдулҳамид Чўлпон (1897 – 1938)

Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон – XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири. Чўлпон мадраса ва рус-тузем мактабда таҳсил қилиб, анъанавий шарқона билимлардан ва овропоча таҳсил ҳамда тарбиядан баҳраманд бўлган.

Чўлпон Тошкентда Мунаввар қори Абдурашаддинов бошлиқ жадидлар билан яқин алоқа ўрнатди, улар ташкил этган “Турон” жамияти фаолиятида иштирок этиб, жадид адабиётининг кўзга кўринган вакили бўлиб бирига айланди. Чўлпон мустабид тузумнинг репрессивон моҳиятини фош этувчи оташин шеърларини ёзди.

Чўлпон 1931 – 1934 йилларда қатагон тулдирдан қочиб, Москвада яшади ва таржимонлик фаолияти билан шугулланиб, В.Шекспир, А.Пушкин, А.Чеховнинг қатор асарларини ўзбек тилига ўзгартирди. Чўлпон ўзбек тилининг етук адабий тил даражасига эришиши ва бойишига катта ҳисса қўшган. Унинг тили театр танқидчилигига асос солди.

## Мовароуннаҳр нима?

(Арабча – дарё орти, яъни “Амударё ортидаги, унинг ўнг қирғогидаги ҳудуд). Бу атама милоднинг 670 йилларидан бошлаб қўлланиб келмоқда.

Араблар таъсирида Мовароуннаҳр атамаси ўрта асрларда Хўжанд, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва атрофларини, Қашқа ва Сурхон воҳасини ўз ичига олган Сирдарё ва Амударё оралигидаги ҳудудни билдирган. Илмий, тарихий, жугрофий асарларда Оврупо тилларига ана шу юқорида чегараланган ҳудудни билдирувчи атама сифатида ўтган ва қўлланила бошлаган.



## Буюк ипак йўли қандай йўл?

Хитой, Марказий Осиё ва яқин Шарқ мамлакатлари, кенг маънода эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо – сотиқ, тижорат, дипломатик ва маданий – илмий алоқалари йўли.

Буюк ипак йўли Хитойдаги Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Сиан шаҳридан бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келган. Бу ерда йўл – иккига айрилган: биринчиси – Шимолий-Ғарбий Буюк ипак йўли – Турфон, Торим воҳаси, Қашқар, Фарғона орқали утиб, Самарқандгача келган. Иккинчиси – Бухоро ва Хоразмга йўналган ва Хоразмда иккига бўлинган. Хоразмда давом этган иккинчи йўл Мангишлоқ, Хазар (Каспий) денгизи орқали Кавказ, Итил (Волга), Булгория (Татаристон), Қрим, Қора денгиз йўли билан Оврупога борган.

## Унитар давлат

Давлатнинг оддий кўриниши бўлиб, у давлат тузилиши шаклларида бири ҳисобланади. Унитар давлатда ҳудуд. Конституция, фуқаролик, олий давлат ҳокимияти ягона бўлади. Унитар давлатнинг у ёки бу қисмида фаолият кўрсатаётган давлат органлари маҳаллий давлат органлари ҳисобланади.

Унитар давлат маъмурий – ҳудудий бирликларининг чегаралари марказий органлар томонидан қабул қилинган қонунлар асосида ўзгартирилади ва бунинг учун маҳаллий давлат органлари ёки аҳолининг розилиги талаб қилинмайди.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг мавжуд шароитларига унитаризм қоидалари жавоб беради. Аммо баъзи масалаларда унитар бўлмаган давлатларга хос томонлари ҳам бор.

## Федератив давлат

Давлат тизимининг мураккаб шакли. Федератив давлат – маълум сиёсий мустақилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади.

Федератив давлат таркибига кирувчи миллий ва ҳудудий тузилмалар, федерация субъектлари деб аталиб, улар турли ҳуқуқий мақомга эга бўлади.

**Федерацияга хос белгилар:**

Федерация ҳудуди. унинг субъектлари, яъни таркибий қисмлари баъзи давлатларда штатлардан, баъзиларида кантонлардан иборат бўлади;

Федерация субъектлари, одатда, федератив давлат конституциясига зид бўлмаган, ўз конституциясини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

Федерация ва унинг субъектлари ваколатлари ўртасидаги чегара иттифоқ конституциясида белгиланади;

Ҳар бир федерация субъекти ўзининг ҳуқуқ ва суд тизимига эга бўлади;

Айрим федератив давлатларда умумдавлат фуқаролиги ва, айни вақтда федерация субъектларининг ўз фуқаролиги ҳам мавжуд бўлади.

## **Божхона нима?**

Чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассаси. У утказилаётган юкларни текшириш ва улардан божхона йиғимлари ундириш билан шуғулланади.

Божхоналар, одатда, денгиз ва дарё портларида, халқаро аэропортларда. темир йўл бекатларининг чегара пунктларида ва мамлакатнинг йирик марказларида жойлашади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлана бориши муносабати билан божхона муассасаларининг ташкил этилиши ва вазифалари такомиллашиб бормоқда.

## Аукцион нима?

Индивидуал хусусиятларга эга товарларни (оммавий сотувга қўйиш йўли билан) сотиш учун муайян жойларда ташкил этилган махсус кимошди савдо бозорлари.

Аукцион савдо товарларининг нисбатан чекланган рўйхати бўйича ўтказилади. Уни ташкил этишга айрим фирма ва бирлашмалар бошчилик қиладилар. Аукцион олдиндан эълон қилинган вақтда, даврий, ҳар куни, ҳар ойда, муайян ойларда ёки йилда бир марта товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсумига ва ҳажмига қараб ўтказилади.

Товар эгалари молларини илгарироқ аукцион омборларига қўядилар. У рда харидорлар савдо бошлангунга қадар намуна товарлар (лотлар) билан танишиши, уларни томоша қилиши, татиб кўриши мумкин бўлади. Савдо вақтида лотлар каталогда кўрсатилади.

## **Инвестиция нима?**

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодийнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал, маблағ киритиш (қўйиш).

Тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлар турларига қўшилидиган барча моддий ҳамда номоддий бойликлар инвестиция ҳисобланади.

Бу бойликлар қуйидагича бўлади:

- пул воситалари, мақсадли банк омонатлари, ҳиссалар, акциялар, сугурта ҳужжатлари ва бошқа қийматдор қоғозлар;

- кузатиш мумкин бўлган ва кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар);

- муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, бошқа интеллектуал ҳуқуқлар;

- шу қийматга эга бўлган бошқа бойликлар.

Мустақил Ўзбекистонда инвестицион сиёсат республикага чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилган.

## **Мониторинг - бу қандай тушунча?**

(Инглизча – “текшириб туриш, назорат этиш”) – маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва тахминлаш (прогноз) тушунилади.

Мониторинг кундалик турмушнинг барча жабҳаларида қўлланилади. Мониторинг бозор иқтисоди ва бозор муносабатлари механизмининг самарали назорат воситалари ва муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ундан фойдаланиш шакллари ва услублари барча тadbиркорлар, ишбилармонлар ва бу соҳага алоқаси бор ҳамма кишилар томонидан ўрганилиши ва ушлаштирилиши керак.

## Монополия нима?

Иқтисодиётнинг бирон бир соҳасида танҳо ҳукмронлик. Монополия ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва яратилган маҳсулотлар асосий қисмининг озчилик корхоналар, соҳибкор шахслар ёки давлат қўлида тўпланиши натижасида пайдо бўлади.

Монополия кўринишлари қадимдан мавжуд: ноёб маҳсулот етиштириладиган ерлар, конлар, сув ҳавзалари, ўрмонлар ва бошқа табиий манбалар озчилик қўлида тўланиб, эгаларига монопол мавқе берган, улар маълум маҳсулотни бозорга танҳо етказиб берувчиларга айланиб, у ерда ҳукмрон бўлганлар, харидорларга ўз шартини қўйиб, товарларни юқори баҳода сотиб харидорлар ҳисобидан ортиқча даромад кўрганлар.

Монополия бозор муносабатларини чеклайди, шу сабабли ҳар бир давлат антимонопол чора — тадбирларини кўради.



## Девальвация нима?

(Лотинча — пасайиш, камайиш, қийматсизланиш)

– миллий валюта курсининг олтин стандарти ва валюталар қатъий курси тизимига нисбатан камайиши, пасайиши. Девальвацияга тескари жараён ревальвация деб аталади.

Девальвация натижасида чет эл валютаси қиймати ошиб, импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар нархининг ошиши. Мамлакат ичида ишлаб чиқариладиган товарлар нархи тушиши юз беради.

Девальвацияни бартараф қилиш учун экспортни кенгайтиришга эришиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишига эришиш керак.

## Менежер ким?

Ёлланма профессионал бошқарувчи. Компания, банк, молия муассасалари ва уларга қарашли бўлинмаларнинг раҳбар ходимлари, облигация заёмлари чиқариш ва уни капитал бозорида ўтказиш билан шугулланувчи банк синдикатлари раҳбар гуруҳи аъзолари ҳам менежерлардир.

Улар жамиятдаги махсус ижтимоий қатламни ташкил қилади. Менежерлар маъмурий-хўжалик раҳбарлиги соҳасида маълум мустақилликка эга бўлиб, уларнинг роли ортиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитларида менежерлар хизмати ишлаб чиқаришда ва товарлар муомаласини уюштиришда зарур омил бўлиб қолади.

## Аккредитив нима?

Аккредитив (лот. “ишончномалар”) — пул ҳисоб-китоб ҳужжати; маҳсулот ёки бажарилган иш ҳақини нақд пулсиз тўлаш шакли.

1. *Томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб тури бўлиб, унга кўра қарз берувчи (кредитор) белгиланган муддатларда, келишилган шартлар асосида келишувда кўрсатилган банк орқали ўзига тегишли тўловни олиб туради.*

2. *Жамғарма банкининг аҳолига кўрсатадиган хизмат турларидан бири, банк бўлимининг тегишли бир шахсга маълум миқдордаги суммани тўлаш учун бошқа бўлимларга берадиган буйруғи махсус бланк воситасида амалга оширилади.*

## Бизнес нима дегани?

Соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шугулланиш. Пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш. Бизнес – товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Бизнес хўжалик юритиш кўламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади.

*Йирик бизнесга* асосан ишлаб чиқаришда 500 дан ортиқ киши банд бўлган, *ўрта бизнесга* – 20 – 500 киши банд бўлган корхона (фирма)лар, *майда бизнесга* – 10-20 ва ундан кам киши ишлайдиган корхоналар киради.

## **Акция ва акциядорлик**

Акция – жамият чиқарган қимматбаҳо (даромад келтирувчи) қоғоз. Акция эгасининг шу жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивидент тариқасида олишини тасдиқлайди. Акцияларни муомалага чиқариш ва уларни сотиш акциядорлик жамиятининг молиявий негизини ташкил этади.

Акциядорлик жамияти – юридик шахсдир. У ўзининг алоҳида мол – мулкига эга бўлади. У, белгиланган пайтдан қонуний тартибда рўйхатдан ўтказилгач, ўз фаолиятини бошлайди. Акциядорлик жамиятининг иши унинг низоми асосида олиб борилади.

## **Банклар**

Банклар – кредит-молия муассасаси. Уларнинг энг асосий вазифаси – вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва бошқалар.

Банклар пул қўювчиларга маълум фоиз тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ фоиз ставкаси ундиради. Ана шу фоизлар ўртасидаги фарқдан банк фойдаси ҳосил бўлади. Тижорат, ипотека, инвестиция, ташқи савдо, халқаро, эмиссия банклари мавжуд. Марказий эмиссия банки – қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини амалга оширади.

## Банкротлик

Фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ истишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги. Банкротлик одатда корхонанинг ёпилишига олиб келади. Чунки қарз (кредит) берувчининг талабини қондириш учун мол-мулкни сотишдан ўзга чора қолмайди.

Банкротликка учрашнинг сабаблари товар ишлаб чиқаришда қиймат қонунининг амал қилиниши, рақобат ва инфляция билан белгиланади. Иқтисодий инқирозлар даврида касодга учраган корхоналарнинг сони кескин ошиб кетади, унинг оқибатида ишсизлик кенгайди. Банкрот корхоналар тасосан шу корхона жамоа аъзоларига ижарага берилиши ёки бошқа корхоналарга сотилиши мумкин.

Корхона, бирлашма, компания, фирма, банк ва бошқа ташкилотларни банкротликдан қутқариш, уларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш мақсадида санирлаш (санация) чоралари қўлланилади. Яъни йирик корхоналарни синишдан сақлаш мақсадида давлат ҳисобидан амалга ошириладиган ёрдам, чоратadbирлар.

## **Қуръони карим деганда нимани тушунамиз?**

Қуръони карим мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Унда ислом ақидалари, эътиқод талаблари. Чеклаш ва тақиқлаш ўз ифодасини топган. Ислонда Қуръони карим Оллоҳ томонидан Муҳаммад пайгамбарга рамазон ойининг 27-куни кечаси ваҳий қилинган (уқтирилган) дейилади. 632 йилда биринчи марта, Қуръон матни юзага келган. Қуръони Карим 114 сурадан, 6236 оят, 30 пора ва 77934 сўздан иборат.

Қуръоннинг марказий ғояси тавҳид, яъни якка худо — Оллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Шу билан боғлиқ равишда унда пайгамбарлар ҳақида, тақдир тўғрисида ақидалар баён этилади. Қуръонда исломнинг асосий эътиқод талаблари (намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқалар) белгилаб берилган.

2011 йил Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонидан Қуръони каримнинг маънолар таржимаси ўзбек тилида чоп этилди.



## Ҳадиси шариф

Ҳадиси шариф Муҳаммад пайгамбарнинг ўғитлари, насиҳатлари йиғиндиси. Унинг одатлари, юриш – туришлари ҳам ҳадисда ўз ифодасини топган. Ҳадис суннатлари, Қуръони каримдан сўнг энг муқаддас китоб ҳисобланади.

Ҳадисларда араб халифалигидаги зиддиятлар, ислом илоҳиёти, шариат талқини ифодаланиб, турли ижтимоий гуруҳлар манфаати ўз ифодасини топган. Ҳадис тўплами “Суннат” деб ном олган.

Ҳижрий Ш аср илми ҳадис учун олтин давр бўлди. Мазкур даврда, айниқса, “Саҳийҳ” йўналишига буюк муҳаддис Имом Ал-Бухорий (810-870) асос солган бўлиб, бу йўналишда ёзилган тўпламларга фақат тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган. Ҳадислар халқимизнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, салоҳияти ва ҳаётга муносабатининг ташкил топиши ва рўёбга чиқишида катта аҳамият касб этади.

## Жаҳон динлари

Миллий, этник, тил, ирқ, туғилган жойи, фуқаролик каби хусусиятларидан қатъий назар бутун ер юзида эътироф этилган жаҳон динлари қуйидагилар:

Христианлик; ислом; буддавийлик.

Мазкур динларнинг ер юзида тарқалиши қуйидагича:

Динлар	Мамлакатлар	Аҳоли сони
<i>Христиан</i>	220	2 млрд.
<i>Ислам</i>	173	1.5 млрд.
<i>Буддавийлик</i>	86	700 млн.

Ислам дини жаҳон динлари ичида энг ёши бўлиб, эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан христианликдан кейин иккинчи ўринда туради.

Ислам дини VII асрда Арабистон ярим оролида, ҳозирги Саудия Арабистонида пайдо бўлган. Ислам сўзи “итоат”, “ихлос”, ва “омонлик” маъноларини англатади. Ислам дини таълимоти унинг муқаддас китоби Қуръони каримда баён этилган. Ислам дини қуйидаги беш устун асосида қурилган:

Иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж

Ислам динида икки асосий йўналиш – суннийлик ва шиалик мавжуддир.

## Ўзбекистонда диний муносабатлар

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ либерализмнинг барча фуқаролари ҳақиқий эътиқод эркинлигини ҳис эта бошладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Собиқ Шўро даврида республикада бор-йўғи 87 та масжид ва иккита мадраса фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган, барча қулайликлар яратилган 2000 дан ортиқ масжид, 10 та мадраса ва Тошкент Ислом институти фаолият кўрсатиб турибди.

Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Бугун республикада 17 турдаги 180 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатмоқда.

1999 йил 7 апрел куни Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримовнинг Фармонида асосан Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Ҳар йили мазкур олийгоҳ ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факултетларига 100 дан ортиқ талабаларни қабул қилади. Университет қошида Исломшунослик илмий тадқиқот маркази, манбалар хазинаси ҳамда академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

## **Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши**

Бир асрдан ортиқ давом этган мустабид тузум даврида маънавий илдизларимиздан айриш. Динни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришга уринишлар бўлди. Натижада, маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жаҳолат эгаллаб, юртдошларимиз фикҳ, тафсир, ҳадис, тасаввуф илмлари ҳақида ҳатто умумий тушунчага ҳам эга бўлмай қолдилар. Ҳатто, “ислом дини, мусулмончилик нима?” деган саволларга жўяли жавоб бера оладиганларнинг сони ҳам озчиликни ташкил этарди. Мовароуннаҳр диёри азалдан дину-диёнат ўчоғи, фузало-уламолар юрти эканлигини унутиб қўйдик.

Ана шундай шароитда минтақамизда, хусусан, Ўзбекистонда баъзи кучлар дин ниқоби остида гаразли мақсадлар билан сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. “Аллоҳ”, “ислом” каби сўзлар билан биргаликда номланган, эшитилиши жарангдор партия, ташкилотлар (“Ислом уйғониш партияси”, “Ҳизболлоҳ”, “Ҳизб ут-таҳрир ал-исломий” ва бошқалар) тузиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, яхлит жуғрофий ҳудудда ислом давлати қуриш, халифаликни қайта ўрнатишга ҳаракат қилдилар.

Халифалик-исломий давлат тизими бўлиб, VII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган.

Арабча «уринбосар» деган маънони англатган халифа давлатнинг диний ва сиёсий ягона раҳбари ҳисобланган.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг “Мендан кейин халифалик 30 йил давом этади, ундан сўнг подшоҳликлар пайдо бўлади”, деган ҳадислари бор (Имом ат-Термизий). Ҳақиқатан ҳам пайгамбаримиз башоратларини тарих тасдиқлади. 30 йил хулафон рошидийинлар Абу-Бакр Сиддиқ, Умар бин Хаттоб, Усмон бин Аффон, Али бин Абу Толиб 632-661 йиллар давомида ислом ғояларини асл ҳолда сақланиб қолишига бор кучларини бахшида этдилар.

Демак, ҳозирги асримизда халифаликни қайта тиклаш ғояси ислом дини таълимотига зиддир.

Ваҳхобийлар ҳукуматни қўлга олишда очиқ кураш, экстремизм, террор йўлини тутсалар, “ҳизбчилар” ғоявий, мафкуравий кураш услубини қўллайдилар. Улар 5-6 кишидан иборат бўлган ҳалқаларга бўлиниб, мафкуравий тарғибот ишларини олиб борадилар, ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгини заҳарлашга уринадилар. Халифалик асосидаги ислом давлатини тиклаш ва токи ана шу мақсадга эришмагунча бошқа масалалар, ҳатто ибодатларга ҳам иккинчи даражали вазифа деб қарайдилар.

“Ҳизб ут- таҳрир ал-исломий” диний ташкилоти ҳам ваҳхобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига аралашшишга, ҳукуматни тўнтариш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати ўрнатишга интилади.

“Акромийлар” оқими вакиллари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва пайгамбарларга иймон келтирмайдилар, ҳозирги кунда мусулмонларга намоз, рўза, закот, ҳаж амаллари фарз эмас, чунки биз гўё куфр жамиятида яшамоқдамиз, деб даъво қиладилар.

“Ал-Қоида”, “Ўзбекистон ислом ҳаракати”, “Ислом жиҳоди иттифоқи” террористик ташкилотлари сифатида тан олинган.

Юқорида тавсифлари берилган диний оқимлар ва ташкилотларнинг номлари турлича бўлса-да, аслида уларнинг мақсадлари ва ғоялари битта-динни ниқоб қилиб ҳокимиятга интилиш, тинч-осойишта халқ орасида нифоқ ва ихтилоф чиқариш. Энг ачинарлиси шундаки, бу оқимлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида жумладан шундай дейди: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашшиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”.

## **Дипломатия нима?**

Давлат, ҳукумат бошлиқлари ва махсус ташқи алоқа органларининг, давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларининг, шунингдек, чет элларда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни амалга оширишга қаратилган расмий фаолияти.

Дипломатия-ташқи сиёсатнинг давлат халқаро фаолиятининг ажралмас қисми. Ташқи алоқаларни амалга оширувчи конституцион органлар- парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ҳукумат ташқи алоқаларни олиб боришга умумсиёсий раҳбарлик қилади, ташқи алоқаларни ташкил қила олади ва тартибга солади.

## **Ўзбекистон Республикаси нечта давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган?**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 166 давлат расман тан олди. Расман дипломатик алоқалар жаҳоннинг 120 мамлакатлари билан ўрнатилган.

Тошкентда 43 мамлакат ўз элчихона ва ваколатхоналарини очган. 30 дан ортиқ мамлакатда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ишляпти.

Республикамызда 80 дан ортиқ чет эл ваколатхоналари ва 20 дан ортиқ ҳукуматлараро муассасалар фаолият кўрсатапти.

Мустақил Ўзбекистон дипломатия соҳасида ўз салоҳияти ва анъаналари борасида аниқ, асосланган ва узоққа мўлжалланган сиёсатни олиб бормоқда.

Дипломатия кадрларини тайёрлаш учун Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети 1993 йилдан фаолият кўрсатмоқда.



## **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)**

Ер юзида тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 йил 24 октябрда фашизм устидан галаба қозонган мустақил давлатларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида тузилган халқаро ташкилот.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси БМТ га 1992 йил 2 мартда қабул қилинди. Бугунги кунда БМТ га 193 давлатлар аъзо бўлиб кирган. БМТ ўз таркибига кўра 6 асосий орган, кўмита ва комиссиялардан иборат:

1. Бош Ассамблея.
2. Хавфсизлик Кенгаши
3. Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш
4. Васийлик кенгаши
5. Халқаро суд
6. БМТ котибияти

БМТнинг расмий тиллари: инглиз, испан, рус, араб, француз ва хитой.

1993 йил феврал ойида Тошкентда БМТ нинг ваколатхонаси очилди. БМТ ҳомийлигидаги ЮНЕСКО ташкилотига Ўзбекистон 1993 йил 29 октябрда аъзо бўлиб кирди. БМТ нинг бир йиллик бюджети тахминан – 2 млрд. долларни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг бадали – қарийб 270 минг долларни ташкил этади.

БМТ нинг Ўзбекистондаги вакили – Нироди Анита.

Ўзбекистоннинг БМТ даги доимий вакили – Мурод Асқаров.

## **БМТ Бош котиблари**

1. Глезвин Джебб  
(Англия, 1945-1946)
2. Трюгве Хальвдан Ли  
(Норвегия, 1946-1952)
3. Даг Хаммаршёльд  
(Швеция, 1953-1961)
4. У Тан  
(Бирма, 1961-1971)
5. Курт Вальдхайм  
(Австрия, 1972-1981)
6. Хавьер Персс де Куэльяр  
(Перу, 1982-1991)
7. Бутрос Бутрос-Голи  
(Миср, 1992-1996)
8. Кофи Аннан  
(Гана, 1997-2006)
9. Пан Ги Мун  
(Ж.Корея, 2007-х.к.)

## **Ўзбекистон Республикасининг йирик халқаро ташкилотларида аъзолиги**

**БМТ**- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти UNO  
**ЮНИДО**-Саноатни ривожланиши бўйича БМТ  
ташкилоти

**ЭСКАТО**- Осиё ва Тинч океани учун БМТ нинг  
иқтисодий ва ижтимоий комиссияси

**ЮНСИТРАЛ**- Халқаро тижорат ҳуқуқи бўйича  
БМТ комиссияси

**ПРООН** – БМТ нинг ривожланиш дастури

**ЮНЕСКО**- БМТ нинг таълим, фан ва маданият  
бўйича ташкилоти

**ЮНКТАД** – Тижорат ва ривожланиш бўйича БМТ  
конференцияси

**ЕСЕ** – БМТ нинг Европа учун иқтисодий комиссияси

**ВОИС** – Интеллектуал хусусийлик бўйича  
умумжаҳон ташкилоти

**ВОЗ** – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

**МОТ** – Халқаро меҳнат ташкилоти

**ИКАО** – Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти

**ВПС** – Жаҳон почта иттифоқи

**МСЭ** – Халқаро электроалоқа иттифоқи

**МТЦ** – Халқаро тижорат маркази

**МБРР** – Жаҳон қайта тиклаш ва ривожланиш  
банки

**МФК** – Халқаро молия корпорацияси

**МАР** – Халқаро ривожланиш корпорацияси  
**МАТИ** – Инвестицияларни гарантиялаш бўйича  
кўптомонлама агентлик  
**МВФ** – Халқаро валюта фонди  
**ОБСЕ** – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик  
бўйича ташкилот  
**ЕБРР** – Қайта тиклаш ва тараққиёт Европа банки  
**ЕЭХ** – Европа энергетика хартияси  
**АБР** – Осиё тараққиёт банки  
**ВТО** – Жаҳон божхона ташкилоти  
**ИБР** – Ислон тараққиёт банки  
**ОЭС** – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти  
**ОИК** – Ислон конференцияси ташкилоти  
**МККХ** – Пахта бўйича халқаро консуллатив  
қўмита  
**МАГАТЭ** – Атом энергияси бўйича халқаро  
агентлик  
**ЮНЕ** – Эпизотия бўйича халқаро бюро  
**ИНТЕЛСЕТ** – Йўлдошли алоқа бўйича халқаро  
ташкилот  
**ЮНЕСКО** – Кўргазмалар халқаро бюроси  
**ИСО** – Стандартлаш бўйича халқаро ташкилот  
**ВТО** – Халқаро туристик ташкилот  
**ОИСА** – Автоишлабчиқарувчиларнинг халқаро  
Ассоциацияси  
**ФАО** – Озиқ- овқат қишлоқ хўжалиги ташкилоти

## **Айрим йирик халқаро ташкilotларининг раҳбарлари**

1. БМТ Бош котиби - Пан Ги Мун
2. ЮНЕСКО Бош директори - Ирина Бокова
3. НАТО Бош котиби - Андерс Фог Расмуссен
4. Еврокомиссия раиси - Жозе Мануэль Баррозу
5. МАГАТЭ раҳбари - Юкия Аmano
6. ФИДЕ президенти - Кирсан Илюмжинов
7. Халқаро Олимпия Қўмитаси  
президенти - Жак Рогг
8. ФИФА президенти - Йозеф Блаттер
9. Осиё Олимпия Кенгаши президенти - Шайх Аҳмад  
ал-Фахад ас-Сабоҳ
10. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик  
ташкilotининг раиси - Саломон Пасси
11. Халқаро Кураш ассоциацияси  
президенти - Комил Юсупов
12. Ислом Конференцияси Бош  
котиби - Балқ Азиз
13. Халқаро валюта фонди  
раҳбари - Кристин Лагард

# Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги

(МДҲ, 1991 йил 8 декабр)

1. Арманистон
2. Беларусь
3. Молдавия
5. Россия
4. Озарбайжон
6. Тожикистон
7. Ўзбекистон
8. Қирғизистон
9. Қозоғистон

Туркманистон — *ассоциацияланган аъзо*

Афғонистон — *кузатувчи сифатида*

Мўғулiston — *кузатувчи сифатида*

## **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти**

2001 йил июн ойида ташкил топган халқаро ташкилот (2001 йили Ўзбекистон аъзо бўлганига қадар “Шанхай бешлиги” /1996/ деб номланар эди)

### ***Аъзо давлатлар:***

Россия  
Тожикистон  
Хитой  
Ўзбекистон  
Қирғизистон  
Қозоғистон

### ***Кузатувчи давлатлар:***

Мўғулистон  
Покистон  
Эрон  
Ҳиндистон

### ***Музокаралар бўйича шерик давлатлар:***

Белоруссия  
Шри-Ланка

### ***Давлат бошлиқлари саммитларига таклифнома олганлар:***

МДҲ  
АСЕАН  
БМТ  
ЕврАзЭС  
АҚШ

**Ўзбекистондаги чет эл дипломатик  
ваколатхоналарининг раҳбарлари  
(ноябр, 2011)**

Афғонистон	Тимури Сайёд Шахабуддин
АҚШ	Джордж Крол
Бангладеш	Мухаммад Имран
БАА	Ал-Меҳайриби Муҳаммад Хареб
Беларусь	Игорь Сокол
Болгария	Илко Димитров Славчев
Буюк Британия	Руперт Джой
Ватикан	Ежи Мацулевич
Венгрия	Иштван Ийдярто
Вьетнам	Ле Мань Луан
Германия	Нойен Вольфганг
Грузия	Георги Кублашвили
Жазоир	Рамдан Мекдуд
Исроил	Ҳилел Ньюман
Индонезия	Муҳаммад Асрухин
Иордания	Муваффақ Ажлоуни
Италия	Риккардо Манар
Корея Ж.	Чон Дэ Ван
Корея Ш.	Ли Дон Пал
Латвия	Игоре Апокинс
Малайзия	Абдул Азиз Бин Харун
Миср	Муҳаммад Абдулқодир Элхашаб
Озарбайжон	Намик Аббасов
Оман	Маҳмуд Бин Мурод Ар-Раисий
Покистон	Муҳаммад Вахид Ул Ҳасан
Босния ва Герцеговина	Желько Янетович



Польша	Станкевич Ежи
Россия	Владимир Тюрденев
Руминия	Барбу Алин Флорентин
Саудия Арабистони	Абдурахмон Аль-Шай
Словакия	Юрай Сивачек
Ҳиндистон	Анумул Сарма
Эрон	Кешаварзаде Мухаммад
Қозоғистон	Бўрибай Жексембин
Хитой	Чжан Сяо
Кувайт	Бу Дхаир Халаф
Қирғизистон	Анварбек Мокеев
Фаластин	Асад Аль Асад
Тожикистон	Музаффар Ҳусейнов
Туркменистон	Солтан Пирмухамедов
Туркия	Мехмет Сертач Сонмезай
Украина	Юрий Савченко
Франция	Готье Франсуа
Чехия	Роберт Копецки
Швейцария	Анн Боти
Япония	Куроода Ёсихиса

Айрим дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари бир вақтнинг ўзида бир неча давлатда элчиллик вазифасини бажариши мумкин, лекин расмий қарор гоҳи бир давлат ҳудудида жойлашган бўлади.

## Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг раҳбарлари (ноябр, 2011 йил ҳолатига)

Австриядаги элчихонаси  
Афғонистондаги Элчихонаси  
Озарбайжондаги Элчихонаси  
Белгиядаги Элчихонаси  
Буюк Британиядаги Элчихонаси  
Мисрдаги элчихонаси  
Исроилдаги элчихонаси  
Хиндистондаги элчихонаси  
Индонезиядаги элчихонаси  
Эрондаги элчихонаси  
Италиядаги элчихонаси  
Испаниядаги элчихонаси  
Кореядаги элчихонаси  
Қирғизистондаги элчихонаси  
Кувайтдаги элчихонаси  
XXРдаги элчихонаси  
Латвиядаги элчихонаси  
Малайзиядаги элчихонаси  
БААдаги элчихонаси (Абу-Дави)  
Полядаги элчихонаси  
Покистондаги элчихонаси  
Россиядаги элчихонаси  
Саудия Арабистондаги элчихонаси  
АҚШдаги элчихонаси  
Сингапурдаги элчихонаси  
Туркманистондаги элчихонаси  
Тожикистондаги элчихонаси  
Туркиядаги элчихонаси  
Украинадаги элчихонаси  
Франсиядаги элчихонаси  
Германиядаги элчихонаси  
Кореядаги элчихонаси  
Япониядаги элчихонаси  
БМТ даги доимий ваколатхонаси  
Женевдаги доимий ваколатхонаси  
МДҲ даги доимий ваколатхонаси  
Афинадаги бош консулхонаси  
Банкокдаги бош консулхонаси  
Дубайдаги бош консулхонаси  
Мозор Шарифдаги консулхонаси  
Нью-Йоркдаги бош консулхонаси  
Стамбулдаги бош консулхонаси  
Франкфуртдаги бош консулхонаси  
Шанхай ш. даги бош консулхонаси  
Новосибирск ш. даги бош консулхонаси

Дусчанов Равшанбек Бахтирвич  
Алиев Парвиз Мирисвич  
Эргашев Исмаиля Раимович  
Гуломов Бахтиёр Тўражонович  
Акбаров Отабек Ҳамидуллоевич  
Мяноваров Шоғалим Шахсламович  
Эшонوف Ойбек Анварович  
Инагомов Салиқ Раҳимджанович  
Жамолов Шавкат Қобулжонович  
Ақромов Илҳом Солисович  
Ғаниев Жаҳонгир Душанович  
Каримова Гулнора Исломовна  
Турсунов Фаррух Исломжонович  
Назаров Раҳматилла Журабович  
Хошимов Абдурафиқ Абдувалисович  
Салоҳитдинов Алишер Алаҳитдинович  
Назаров Қобулжон Самадович  
Собитов Шукур Абдураҳмонович  
Ваҳобов Фаррух Абдулатилович  
Назаров Иқром Ухтамович  
Усмонов Ойбек Орифбосқович  
Пулатхўжайев Зиёдулла Саъдуллаевич  
Қодиров Алишер Қодирович  
Исмаилов Илҳом Тўйчиевич  
Қурманов Алишер Анварович  
Файзиев Шерзод Мирағамович  
Шоҳсламов Шоҳқосим Исмаилович  
Қодиров Улфат Салоҳитдинович  
Юсупов Ботир Пулатович  
Алоев Баҳром Журабович  
Аҳатов Дилшод Ҳамидович  
Фои Виталий Василевич  
Турсунов Фаррух  
Асхаров Мурад Ерксбаевич  
Каримова Гулнора Исломовна  
Мирзасв Остонакул Мирзаақматович  
Мамажанов Тоҳиржон Абилевич  
Икрамов Саидраҳим Саидович  
Мадаев Бахтиёр Қочилжонович  
Абдураҳимов Миродил Шарипович  
Аманов Дурбек Умидович  
Гуломов Аброр Аҳрорович  
Бекмирасв Ислом Иноғомович  
Зокирова Илҳом Ёқубович  
Қашшоқ Абдураҳим Рашидович

## Давлат ахборот ресурслари ва оммабоп сайтлар

[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати  
[www.gov.uz](http://www.gov.uz) Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Портали  
[parliament.gov.uz](http://parliament.gov.uz) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
[www.senat.gov.uz](http://www.senat.gov.uz) Олий Мажлис Сенати  
[www.uza.uz](http://www.uza.uz) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги  
<http://www.mfer.uz> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги  
<http://www.mvd.uz> Ички ишлар вазирлиги  
<http://www.edu.uz> Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
<http://www.minzdrav.uz> Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
<http://www.mfa.uz> Ташқи ишлар вазирлиги  
<http://www.uzedu.uz> Халқ таълими вазирлиги  
<http://www.sport.uz> Маданият ва спорт ишлари вазирлиги  
<http://www.mchs.uz> Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
<http://www.agro.uz> Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
<http://www.mintrud.uz> Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги  
<http://www.mf.uz> Молия вазирлиги  
<http://www.mineconomy.uz> Иқтисолиёт вазирлиги  
<http://www.miniust.uz> Адлия вазирлиги  
<http://www.gkas.uz> Архитектура ва қурилиш Давлат Қўмитаси  
<http://www.uzgeolcom.uz> Геология ва минерал ресурслар Давлат Қўмитаси  
<http://www.antimon.uz> Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси  
<http://www.gkz.uz> Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат Қўмитаси  
<http://www.uznature.uz> Табиатни муҳофиза қилиш Давлат Қўмитаси

<http://www.stat.uz> Давлат статистика Кўмитаси

<http://www.gki.uz> Давлат мулкни бошқариш Давлат  
Кўмитаси

<http://www.soliq.uz> Давлат солиқ Кўмитаси

<http://www.customs.uz> Давлат божхона Кўмитаси

<http://www.academy.uz> Ўзбекистон фанлар академияси

<http://www.vak.uz> Олий Аттестация комиссияси

<http://www.cbu.uz> Марказий банк

<http://www.dtm.uz> Давлат тест маркази

<http://www.markaz.uz> Ўрта махсус касб-хунар таълим  
маркази

[www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ахборот таълим портали

<http://www.kamolot.uz> “Камолот” ёшлар ижтимоий  
ҳаракати

<http://www.natlib.uz> Навоий номидаги Миллий кутубхона

[www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)- “Истеъдод” жамғармаси портали

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz) – ТДПУ таълим портали

[www.e-darslar.net](http://www.e-darslar.net) – Онлайн электрон дарслар портали

[www.ref.uz](http://www.ref.uz)- Мустақил ишлаш учун рефератлар сайти

[www.ilm.uz](http://www.ilm.uz) – Ўзбекистон таълим портали

[www.baht.uz](http://www.baht.uz)- Оммабоп маълумотлар тўплами

[www.infomiser.net](http://www.infomiser.net)- Электрон дарслиklar, мультимедиа  
материаллари

[www.undp.org](http://www.undp.org)- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти  
саҳифаси

<http://www.apteka.uz> – Ўзбекистон дорихоналари

## *II*

### *Умумий қисм*

## **XX асрнинг асосий воқеалари**

1. Биринчи жаҳон уруши.
2. Октябр қўзғолони (1917).
3. Иккинчи жаҳон уруши.
4. Атом энергиясининг кашфиёти.
